

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/04.06.2021.Fil.72.03 РАҚАМЛИ ИЛМЙ КЕНГАШ

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ

ДАНИЕВА МАЙСАРА ДЖАМАЛОВНА

СЎЗ БИРИКМАЛАРИ ДЕРИВАЦИОН ВА ПРАГМАТИК-ДИСКУРСИВ
ИМКОНИАТЛАРИНИНГ ВОҚЕЛАНИШИ (ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК
ТИЛЛАРИ МИСОЛИДА)

10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик ва таржимашунослик

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

УДК: 80/81'362, 82

Филология фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Contents of the dissertation for a Doctor of Science degree (DSc)

Оглавление автореферата диссертации доктора филологических наук (DSc)

Даниева Майсара Джамаловна

Сўз бирикмалари деривацион ва прагматик-дискурсив имкониятларининг
воқеланиши (инглиз ва ўзбек тиллари мисолида)..... 3

Danieva Maysara Djamalovna

Verbalization of Derivational and Pragmatic-Discursive Possibilities of Phrases
(on the examples of English and Uzbek languages)..... 33

Даниева Майсара Джамаловна

Вербализация деривационных и прагматико-дискурсивных возможностей
словосочетаний (на примере английского и узбекского языков) 59

Эълон қилинган ишлар рўйхати

List of published works

Список опубликованных работ 64

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/04.06.2021.Fil.72.03 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ

ДАНИЕВА МАЙСАРА ДЖАМАЛОВНА

СЎЗ БИРИКМАЛАРИ ДЕРИВАЦИОН ВА ПРАГМАТИК-ДИСКУРСИВ
ИМКОНияТЛАРИНИНГ ВОҚЕЛАНИШИ (ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК
ТИЛЛАРИ МИСОЛИДА)

10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик ва таржимашунослик

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2022.1.DSc/Fil382 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Бухоро давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.buxdu.uz) ҳамда «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи: Сафаров Шахриёр Сафарович
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: Саъдуллаева Нилуфар Азимовна
филология фанлари доктори, профессор

Эргашева Гули Исмоил қизи
филология фанлари доктори, профессор

Жўраева Малоҳат Муҳаммадовна
филология фанлари доктори (DSc), доцент

Етакчи ташкилот: Урганч давлат университети

Диссертация ҳимояси Бухоро давлат университети хузуридаги DSc.03/04.06.2021.Fil.72.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил “08” “шароф” соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, М.Иқбол кўчаси, 11-уй. Тел.: (0 365) 221-29-14; факс: (0 365) 221-57-27; e-mail: buxdu_rektor@buxdu.uz).

Диссертация билан Бухоро давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (192 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, М.Иқбол кўчаси, 11-уй. Тел.: (0 365) 221-25-87.

Диссертация автореферати 2022 йил “27” октябрь кuni тарқатилди.
(2022 йил “27” октябрь даги 22-21 - рақамли реестр баённомаси).



Д.С.Ўраева
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, филол. ф. д., профессор

З.И. Расулов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, филол. ф. н., доцент

М.М. Жўраева
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филол.ф.д., профессор

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тилшунослик фани тараққиётининг ҳозирги даврида тил тизимининг сатҳларига тегишли тузилмаларнинг шаклланиши ва когнитив-прагматик ифодаси тадқиқотчилар эътиборини жалб қилиб келмоқда. Хусусан, сўз бирикмасининг табиати, унинг лисоний мақоми, деривацион-когнитив, прагматик-дискурсив хусусиятлари ва уларнинг муайян матн мулоқот муҳити доирасида фаоллашадиган вазифалари, маълум маънони ифодалаш ва ахборот етказиш борасидаги имкониятлари билан боғлиқ ҳолда инглиз ва ўзбек тиллари тизимида қиёсий ўрганиш муҳимлиги билан белгиланади. Ҳар бир тилда нутқий тузилмалар шаклланишида муҳим ўрин тутадиган синтактик муносабатларнинг прагматик-дискурсив воқеланишини когнитив ёндашув асосида ўрганиш барча тилларга хос бўлган матн ва нарративлик чегарасида талқин этиладиган деривацион маъноларнинг синтактик воқеланишдаги фарқларини, семантик фаоллик ҳолатларини илмий баҳолашда назарий асос бўлиб хизмат қилади.

Дунё илмий мактабларида сўнгги йилларда сўз бирикмаларининг структур-семантик, дискурс шароитида намоён бўладиган коммуникатив-прагматик хусусиятлари, тузилишининг концептуал-когнитив манзараси, деривациясининг семантик ва синтактик кўринишлари, когнитив-прагматик категорияларига доир тадқиқотлар бир тил доирасида амалга ошириб келинмоқда. Мазкур лисоний бирликларнинг инглиз ҳамда ўзбек тилларидаги категориал белгилари ва мақомини қиёсий тадқиқ қилиш, уларнинг матн структурасида бажарадиган вазифалари орасидаги ўхшашлик ва фарқларнинг аниқлаш, сўз бирикмаларининг дискурс шароитида намоён бўладиган коммуникатив-прагматик хусусиятлари бир-биридан йироқ бўлган икки тил, инглиз ва ўзбек тиллари мисолида қиёслаб ўрганиш ва илмий асослашга имкон яратади.

Мустақиллик миллий тилшуносликни жаҳондаги илғор мезонлар асосида ривожлантириш учун зарур бўлган барча шароитларни яратиши билан бирга, ушбу мезонларга кўп асрлик миллий дунёқарашимиздан келиб чиқиб муносабат билдириш масъулиятини ҳам юклайди. Мазкур диссертация натижалари Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг “Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармонида¹ белгиланган “халқаро тажрибалардан келиб чиқиб, олий таълимнинг илғор стандартларини жорий этиш, жумладан ўқув дастурларида назарий билим олишга йўналтирилган таълимдан амалий кўникмаларни шакллантиришга йўналтирилган таълим тизимида босқичма-босқич ўтиш” вазифасининг ижросини таъминлашда идрокий-когнитив модел, прагматик-дискурсив

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони//ПФ-5847-сон, 8.10.2019. URL: lex.uz/docs/4545884

механизм ва моделлар юзасидан олиб борилган қиёсий тадқиқотлар муҳим манба бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги, 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сон “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2020 йил 29 октябрдаги ПФ-6097-сон “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги, 2020 йил 20 октябрдаги ПФ-6084-сон “Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонлари², Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 19 майдаги ПҚ-5117-сон “Ўзбекистон Республикасида хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 11 августдаги 610-сон “Таълим муассасаларида чет тилларини ўқитишнинг сифатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланиши устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи³. Тилшунослиқда сўз бирикмаси назарияси, унинг лисоний мақомини ўрганишга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, Oxford University Language Centre (Буюк Британия); California State University (АҚШ); Vrije Universiteit Amsterdam (Нидерландия); Stroudsburg Association of Computational Linguistics (Франция); Shanghai Foreign Languages University (Хитой); New Bulgarian University (Болгария); Dublin City University (Ирландия); University of Toronto (Канада); Москва давлат университети, Москва давлат лингвистика университети, Санкт-Петербург давлат университети (Россия); шунингдек, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университети, Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони/ПФ-5850-сон, 21.10.2019. URL: <https://lex.uz/docs/4561730>

³ Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи <https://www.disercat.com>, www.cheloveknauka.com, <https://studfile.net>, www.ilingran.ru/scholars/rumy, <http://dereksiz.org/leksiko-seman>, www.dslib.net, <https://ru.m.wikipedia.org/wiki>, <https://cyberleninka.ru>, <http://philology.snauka.ru>, www.google.scholar.com, <https://www.academia.edu>, www.philology.ru, https://periodicos.sbu.unicamp.br/http://m.dissforall.com/_catalog/t13/_s, ва бошқа манбалар асосида амалга оширилди.

тили ва адабиёти университети, Самарқанд давлат чет тиллар институти, Бухоро давлат университети (Ўзбекистон)да олиб борилмоқда.

Дунё тилшунослигида сўз бирикмаларининг структур-семантик хусусиятларини ёритишга асосланган тадқиқотлар бир қатор илмий натижаларнинг юзага келиши учун замин бўлган. Ҳозирги кунда сўз бирикмалари тадқиқига доир: “Text Production. Science of Composition”, “Pragmatics // Discourse”, “Phrase Structure”, “Discourse and Process” каби интернет саҳифалари ҳамда электрон журналлари фаолият юритиб келмоқда. Сўз бирикмалари тузилишининг концептуал-когнитив манзараси таҳлил қилинган (Lancaster University, University of Edinburgh); сўз бирикмаларининг дискурс шароитида намоён бўладиган коммуникатив-прагматик хусусиятлари ўрганилган (University of Copenhagen); сўз бирикмаси деривациясининг семантик ва синтактик кўринишлари аниқланган (Barcelona University); сўз бирикмаларининг когнитив-прагматик категориялар фаоллашувидаги иштирокини белгилаш масалалари буйича тадқиқотлар олиб борилган (A Central University of New Delhi).

Бугунги кунда сўз бирикмаси структур-семантик хусусиятлари, улар асосида турган концептуал мослашув жараёнини ўрганиш, сўз бирикмасининг матн коммуникатив-ахборот майдонини шакллантиришдаги роли, уларнинг матн коммуникатив-прагматик мазмуни шаклланишидаги ўрнини белгилаш каби масалаларнинг чоғиштирма тилшунослик нуқтаи назаридан таҳлил қилинишига алоҳида эътибор қаратилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Сўз бирикмалари назарияси соҳасига оид тадқиқотлар ҳақида гапирганда, Ф.Ф.Фортунатов, А.А.Шахматов, А.М.Пешковский каби рус тилшунос олимлари билан бир қаторда О.Jespersen, О.Behagal, Н.Sweet⁴ сингари немис ҳамда инглиз тилшуносларининг номларини эслатиб ўтиш муҳимдир. Тилшунослар бирикаётган луғавий бирликларнинг эркин бирикма ёки идиома ҳосил қилиши, сўз бирикмаси компонентлари ўртасида юзага келадиган синтактик муносабатларни аниқлаш масалаларига эътибор қаратдилар. Б.А.Ильиш, А.И.Смирницкий, В.Н.Ярцева, Л.С.Бархударов, А.В.Аракин, Н.И.Филичева, В.В.Бурлакова, Г.П.Ятель, Ч.Ҳоккет, П.Робертс, R.Jacobs, R.Quirk каби германшунос олимлар сўз бирикмасининг гап структураси билан алоқадорлиги, уни предикатив тузилмалардан фарқлаш масалалари билан қизиқдилар⁵. О.С.Ахманова ва унинг шогирдлари сўзлар бирикишининг социолингвистик табиатини аниқлаш, уларнинг турли нутқий услубларда фаоллашув ҳолатларини ёритишга ҳаракат қилдилар. Ч.Мейер, Ж.Делеханги,

⁴ Фортунатов Ф.Ф. Избранные труды. Том 1, 2. – Москва: Государ. учебно-педагогическое издательство, 1957. – 924 с.; Шахматов А.А. Лингвистическое наследие XIX века. – Ленинград: ЛЕНАНД, 2016. – 230 с.; Behagal O. Die Deutsche Sprache. –Halle, 1954. –228 p.; Sweet H. New English Grammar. Logical and Historical. – Oxford: Clarendon Press, 2007. – 510 p.

⁵ Смирницкий А.И. Синтаксис английского языка. – Москва: Из-во иностранной литературы, 1957. – 286 с.; Ярцева В.Н. Предложение и словосочетание. В книге: Вопросы грамматического строя. – Москва: Изд-во АН, 1955. – 144 с.; Jacobs R. English Syntax. –Oxford: Oxford University Press, 1995. – 378 p.; Quirk R. A Grammar of Contemporary English. 3rd ed. – London: Longman, 1993. – 1081 p.

Л.Варга, Т.Милевски, Б.Рихтер, И.И.Токарева, А.Г.Садыкова, Е.В.Орлова, Е.С.Пешехонова, А.В.Киртаева, Р.М.Галаяутдинова, Х.П.Махмадалиева, Л.И.Хасина, О.Е.Афоненкова, Е.М.Ефремова, Л.А.Улитина, Л.М.Семёнова, А.В.Лазарев⁶ каби тилшунос олимларнинг илмий ишларида инглиз тили тизимига хос сўз бирикмалари структур-синтетик ва семантик турларга ажратилиб, уларнинг когнитив-фрейм хусусиятлари, шунингдек, матн шакллантиришдаги имкониятлари, фразеологик бирлик таркибидаги вазибалари тадқиқ қилинди.

Ўзбек тилшунослигида Ш.С.Сафаров, А.А.Абдуазизов, У.Қ.Юсупов, Ф.Х.Абдуллаев, Ж.Б.Бўронов, А.Р.Сайфуллаев, М.К.Шарипов, Н.Қ.Турниёзов, Д.У.Ашурова, М.И.Расулова, М.Абузалова, Ғ.Зикриллаев, Н.Махмудов, У.Турсунов, Б.Менглиев каби тилшунос олимларнинг илмий тадқиқот ишларида сўз бирикмаси тизимининг ўзига хос хусусиятлари, шу тизимга кирувчи бирликларнинг структур ва маъновий жиҳатлари, уларнинг дискурсив-прагматик имкониятлари борасида қимматли ва асосли фикрлар билдирилган.⁷

Кейинги йилларда тилшунослар томонидан тилларни қиёсий ўрганиш, шунингдек, прагматика, дериватология соҳасида жиддий изланишлар олиб борилмоқда, жумладан, С.В.Балакин, З.З.Чанышева, Л.М.Алексеева,

⁶Meyer Ch.F. *Introducing English Linguistics*. - Cambridge, 2002. - 263 p.; Delahunty G.P. *The English Language*. - Colorado: Parlor Press, USA. 2010. - 482 p.; Varga L. *Introduction to English Linguistics*. - Budapest: Eötvös Loránd University. 2010. - 100 p.; Milewski T. *Introduction to the study of language*. - Mouton, 2019. - 204 p.; Richter B. *First steps in theoretical and applied linguistics*. - Budapest, 2006. -212 p.; Токарева И.И. Опыт функционально-стилистической типологии многокомпонентных субстантивных словосочетаний современного английского языка. Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Киев, 2011. - 19 с.; Садыкова А.Г. Система субстантивного словосложения в тюркских и германских языках в сравнительно-типологическом аспекте. Автореф. дисс. ... докт. филол. наук. – Казань, 2002. - 29 с.; Орлова Е.В. Английская коллокация в условиях интерференции. Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. - Иваново, 2011. - 32 с.; Пешехонова Е.С. Семантико-синтаксические отношения между компонентами терминологических словосочетаний: На материале терминологии английской системы образования. Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Москва, 2003. -28 с.; Киртаева А.В. Лингвопоэтика многокомпонентных атрибутивных словосочетаний в английской драме XVI-XVII веков. Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Москва, 2001. - 30 с.; Галаяутдинова Р.М. Субстантивные фразеологические единицы метафорического характера в английском и русском языках. Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Казань, 2004. - 31 с.; Махмадалиева Х.П. Сопоставительный анализ адекватных словосочетаний в таджикском, английском и русском языках. Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Душанбе, 2015. - 32 с.; Хасина Л.И. Место и специфика глагольных лексем и словосочетаний в отраслевой терминосистеме: На материале русской и английской юридической терминологии. Автореф. дисс...канд. филол. наук. - Саратов, 2003. -28 с.; Афоненкова О.Е. Идиоматичность сложных слов и словосочетаний структурного типа N+N: На материале газетно-журнальных публикаций канадского варианта современного английского языка. Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. - Нижний Новгород, 2002. - 32 с.; Ефремова Е.М. Структурно-семантические и функциональные особенности многокомпонентных композитов в современном английском языке. Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Москва, 2012. - 31 с.; Улитина Л.А. Сравнительно-сопоставительный анализ идиоматических оборотов в современном русском и английском языках. Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Душанбе, 2006. - 30 с.; Семёнова Л.М. Функционирование предложно-падежных словосочетаний в языке рекламы. Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Санкт-Петербург, 2000. - 29 с.; Лазарев А.В. Когнитивно-фреймовые особенности глагольных и субстантивных средств выражения понимания: на материале английского и русского языков. Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. - Пятигорск, 2009. – 28 с.

⁷ Сафаров Ш. Когнитив тилшунослик. – Жиззах: Сангзор, 2006. – 92 б.; Ашурова Д.У. Стилистика в свете когнитивной теории языка//Ўзбекистонда хорижий тиллар/Илмий методик электрон журнал. – Ташкент, 2018. -№2 (21); Расулова М.И. Основы лексической категоризации в лингвистике. – Ташкент, 2005. -268 с.; Турниёзов Н. Отли сўз бирикмалари ва уларнинг деривацион хусусиятлари//Тилшуносликнинг назарий ва амалий масалалари. – Самарқанд, 2011. – Б. 4-10; Абузалова М., Йўлдошева Д. Тилшуносликка кириш. – Тошкент: Университет, 2005. - 176 б.

С.Л.Мишланова, Т.А.Лапаева, Ю.В.Трубникова, И.М.Тухтасинов, Р.Сайфуллаева, С.Э.Шодиев, Л.Гулова, А.Нурмонов, М.Ҳақимов, Д.Т.Хаджиева, Ҳ.Д.Палуанова, Г.Қобулжонова, С.Сайдалиев, Ш.Ш.Улуғова, Ш.Н.Турниёзовлар ўз илмий ишларида сўз бирикмаларининг турли услубдаги матнларда қўлланилиши, вазифалари ҳақида фикр билдирганлар⁸.

Тадқиқот мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Мазкур диссертация Самарқанд давлат чет тиллар институти ҳамда Қашқадарё вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш ҳудудий маркази билан ҳамкорликда “Замонавий тилшуносликнинг коммуникатив аспекти” мавзусидаги илмий-тадқиқот ишлар доирасида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг мақсади инглиз ва ўзбек тилидаги сўз бирикмаларини кўпжиҳатли ҳодиса сифатида қиёсий жиҳатдан талқин қилиш асносида уларнинг структур-семантик, деривацион, прагматик-дискурсив имкониятлари ҳосил бўлишининг концептуал асосини аниқлаш ҳамда ушбу хусусиятларнинг шаклланиши бирикмаларнинг матн тузилишидаги иштироки билан боғлиқ эканлигини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

инглиз ва ўзбек тилларидаги сўз бирикмаси структур-семантик хусусиятларини қиёсий таҳлил қилиш ва сўз бирикмалари компонентлари орасидаги грамматик муносабатларни ёритиш;

инглиз ва ўзбек тилларида сўз бирикмалари тузилишининг концептуал-когнитив манзарасини ёритиш;

инглиз ва ўзбек тилларидаги сўз бирикмаси деривациясининг семантик ва синтактик кўринишларини ўрганиш ва улар асносида турган концептуал мослашув жараёнини далиллаш;

⁸ Балакин С.В. Деривационный потенциал лексических систем языка. Автореф. дисс...докт. филол. наук. – Пермь, 2018. - 46 с.; Чанышева З.З. Этнокультурные основания лексической семантики. Автореф. дисс...докт. филол. наук. - Уфа, 2006. - 44 с.; Алексеева Л.М., Мишланова С.Л. Теория деривации// Вестник Пермского Университета. Вып. № 3 (31). 2015. - С.127-135; Лапаева Т.А. Устойчивые сочетания в системе языковых единиц// Вестник Новгородского государственного университета, № 44,2007. -С.77; Трубникова Ю.В. Вопросы деривационного функционирования текста // Русский язык: исторические судьбы и современность. Матер. III Международ. конгресса. – М., 2007. - С. 56-65; Тухтасинов И.М. Тил тараққийетининг муҳим бир бўғини//Замонавий тилшунослик ва деривацион қонуниятлар. Республика илмий-амалий анжумани материаллари. Самарқанд, 2019. Б. 3-4.; Сайфуллаева Р. ва бошқалар. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Тошкент, 2010. 391 б.; Шодиев С.Э. Турғун сўз бирикмаларининг синтактик деривацияси. Филол.фан.фал.докт....дисс. автореф. Самарқанд, 2020. Б. 46; Нурмонов А., Ҳақимов М. Лингвистик прагматиканинг назарий шаклланиши // Ўзбек тили ва адабиёти, 2001, 4-сон, - Б.55-57; Хаджиева Д.Т. Глагольно маркированные словосочетания в контексте употребления//Хорижий филология: тил, адабиёт, таълим, 2010. №4. – С. 44-47; Палуанова Ҳ.Д. Инглиз, ўзбек, рус ва қорақалпоқ тилларида экологик терминларнинг деривацион-семантик принциплари. Филол.ф.д. дисс.... автореф. –Тошкент, 2016. – Б.88; Гулова Л. Инглиз ва ўзбек тилларида феълга тенг келувчи айрим омоним иборалар ҳақида мулоҳазалар//Замонавий тилшунослик ва деривацион қонуниятлар. Республика илмий-амалий анжумани материаллари. -Самарқанд, 2019. Б. 81- 83; Қобулжонова Г. Метафора ва унинг табиатига қарашлар//Ўзбек тили ва адабиёти, - 2017.№2.-Б.40-46; Сайдалиев С. Прагматик лингвистиканинг асосий масалалари //Тилшуносликдаги замонавий йўналишлар: муаммо ва ечимлар. – Андижон, 2020. 28 б.; Улуғова Ш.Ш. Метафора тавсифига когнитив ёндашув. International Journal of Research in Economics and Social Sciences. Vol. 11. Issue 02. 2021. Б. 60-79; Турниёзова Ш.Н. Матн деривациясида лексик воситаларнинг ўрни. Филол.фан.докт.дисс. автореф. – Фарғона, 2021. - 58 б.

инглиз ва ўзбек тилларида сўз бирикмасининг матн қисмлари ўртасида мазмуний когерентликни таъминлаш хизматини ўташ ҳолатларини аниқлаш; сўз бирикмалари деривациясида юзага келадиган структур-семантик кўчимлар воқеланишини кузатиш ҳамда уларнинг матн коммуникатив-прагматик мазмуни шаклланишидаги ўрнини белгилашдан иборат.

Тадқиқотнинг объекти сифатида инглиз ва ўзбек тили тизимида мавжуд бўлган ва турли услублардаги матнларда қўлланилган сўз бирикмалари танланган.

Тадқиқотнинг предметини сўз бирикмаларининг тил тизимида тутган ўрнини белгиловчи структур-семантик, деривацион хусусиятларининг концептуал асоси ва матн шаклланишида намоён бўладиган прагматик-дискурсив имкониятлари ташкил қилади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида лингвистик тавсифлаш, таснифлаш, когнитив-семантик, моделлаштириш, концептуал, контекстуал, прагматик-дискурсив ҳамда компонент таҳлил методларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

инглиз ва ўзбек тилларидаги сўз бирикмаларининг структур-семантик жиҳатлари лексик-грамматик, физик хусусиятларни ифодаловчи, турларга ишора қилувчи, функционал белгиларни ифодаловчи омиллар таъсирида шаклланганлиги ва инсоният цивилизацияси босқичлари билан параллел равишда юзага келганлиги далилланган;

ҳар иккала тилдаги сўз бирикмалари бўлақлариаро синтактик муносабатлар асосини лексик-грамматик воситалар ташкил қилиши ҳамда бирикмалар деривацияси жараёнида юзага келадиган семантик кўчимларнинг матн ахборот майдонидаги мантиқий-мазмуний изчиллигини таъминлашдаги иштироки мулоқот вазияти билан шартланганлиги исботланган;

қиёсланаётган тиллар синтактик кенглигида сўз бирикмалар шаклланишининг лексик-семантик ҳамда мантиқий-грамматик қатламлари ўзаро муносабати фикр ёки пропозициянинг коммуникатив маркази ва концептуал-когнитив манзарасини тасвирлаши асосланган;

чоғиштирилаётган тиллар сўз бирикмаси тизимига оид деривацион моделларни таснифлаш орқали уларнинг тил сатҳларида лисоний воқеланишини таъминловчи омилларнинг концептуал негизи ишлаб чиқилган;

сўз бирикмаларининг матн шакллантириш хусусиятлари ўрганилиб, уларнинг матн когерентлиги ва коммуникатив-прагматик мазмун ифодасидаги ўрнини белгиловчи лисоний-когнитив ҳамда тил бирликларининг семиотик белги хусусиятига эга бўлиши, уларнинг тўхтовсиз тараққий этиб боришини таъминловчи дискурсив тамойиллар қаторида намоён бўлиши аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

инглиз ва ўзбек тили сўз бирикмаларига хос бўлган категориал хусусиятларининг амалда қўлланилиш натижалари умумлаштирилган ҳамда натижаларидан назарий грамматика, стилистика, таржимашунослик, қиёсий типология фанлари бўйича назарий ва амалий машғулотлар ўтказиш, умумий

тилшунослик, матн тилшунослиги ва когнитив тилшунослик соҳаларига оид махсус семинарларни янги назарий қарашлар билан бойитиши ва уларнинг ривожини учун фойдали бўлган ўзига хос илмий ёндашувларнинг шаклланишига хизмат қилиши аниқланган;

инглиз ва ўзбек тилларидаги сўз бирикмаси семантик структурасининг шаклланиши фрейм намуналарида ўз аксини топган ва ушбу намуналар асосида сўз бирикмасининг семантик кўрсаткичлари икки тил тизимида қиёсланиб, улар юзасидан бир қатор назарий ва амалий таклиф ва тавсиялар шакллантирилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги объектга ёндашув ва қўлланилган усулларнинг тадқиқот мақсадига мослиги, назарий маълумотларнинг илмий манбаларга асосланганлиги, бадий манбаларнинг тадқиқот предметига мувофиқлиги, назарий фикр ва хулосалар қиёсий-типологик таҳлил методлари воситасида чиқарилгани, хулосаларнинг амалиётга татбиқ этилганлиги, натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти коммуникатив ҳамда когнитив тилшунослик ғояларини инглиз, ўзбек ва бошқа тиллар сўз бирикмалари тизими тадқиқига татбиқ қилиш имкониятида намоён бўлади, шунингдек, олинган натижалар тилшуносликнинг семасиология, ономасиология, когнитология, нутқий тузилмалар синтаксиси ва прагматикасига оид қатор муаммолар ечимини излаш борасида назарий аҳамиятга моликлиги билан белгиланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти, даставвал, унинг натижаларидан олий ўқув юртларида грамматика, стилистика, лексикология фанлари бўйича назарий ва амалий машғулотларни ўтказиш ва махсус семинарларни ташкил қилишда, янги кўринишдаги ўқув қўлланмалари яратиш, турли илмий тадқиқот ишларини бажаришда манба хизматини ўташи мумкинлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Инглиз ва ўзбек тилида сўз бирикмалари деривацион ва прагматик-дискурсив имкониятларининг воқеланиши тадқиқи бўйича олинган натижалар асосида:

инглиз ва ўзбек тилларидаги сўз бирикмаларининг структур-семантик жиҳатлари лексик-грамматик, физик хусусиятларни ифодаловчи, турларга ишора қилувчи, функционал белгиларни ифодаловчи омиллар таъсирида шаклланиши ва инсоният цивилизацияси босқичлари билан параллел равишда юзага келганлиги билан боғлиқ илмий-назарий хулосалардан Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институтининг ОТ-Ф8-211 рақамли “XX аср Ўзбекистон маданияти тарихи” номли фундаментал тадқиқот лойиҳасида фойдаланилган (Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институтининг 2022 йил 04 апрелдаги 04/02-808-сон маълумотномаси). Натижада сўз бирикмалари деривацияси муаммоларига доир хулосалар маданият тарихини тасвирлашда, тарихий ҳодисаларнинг алоҳида жиҳатларини белгилаш имконини оширишга хизмат қилган;

хар иккала тилдаги сўз бирикмалари бўлакларидан синтактик муносабатлар асосини лексик-грамматик воситалар ташкил қилиши ҳамда бирикмалар деривацияси жараёнида юзага келадиган семантик кўчимларнинг матн ахборот майдонидаги мантиқий-мазмуний изчиллигини таъминлашдаги иштироки мулоқот вазияти билан шартланганлигига доир натижалардан Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий тадқиқот институтининг ФА-Ф1-Г003 рақамли “Ҳозирги қорақалпоқ тилида функционал сўз ясалиши” мавзусидаги фундаментал лойиҳада фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоқiston бўлими Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий тадқиқот институтининг 2022 йил 05 апрелдаги №141/1-сон маълумотномаси). Натижада бирикмалар деривацияси жараёнида юзага келадиган семантик кўчимларнинг матн ахборот майдонидаги мантиқий-мазмуний изчиллигини таъминлашдаги иштироки мулоқот вазияти билан шартланганлиги аниқланган;

қиёсланаётган тиллар синтактик кенглигида сўз бирикмалар шаклланишининг лексик-семантик ҳамда мантиқий-грамматик қатламлари ўзаро муносабати фикр ёки пропозициянинг коммуникатив маркази ва концептуал-когнитив манзарасини тасвирлаши билан боғлиқ илмий-назарий хулосалардан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат ноижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди томонидан Парламент комиссиясининг 2020 йил 22 июндаги Қарорига асосан эълон қилинган 67-10/136-рақамли Давлат гранти бўйича Халқаро Амир Темур хайрия жамоат фонди Қашқадарё вилоят муассасаси томонидан 2020-2021 йилларда бажарилган “Маданий мерос – олий қадрият” мавзусидаги инновация лойиҳасида фойдаланилган (Халқаро Амир Темур хайрия жамоат фонди Қашқадарё вилоят муассасасининг 2022 йил 06 апрелдаги 11-сон маълумотномаси). Натижада сўз бирикмаларидан халқнинг миллий, этник, ижтимоий-сиёсий, маданий тарихи, тилнинг тарихий тараққиёти ҳамда маданий мерос объектларини атовчи, уларга баҳо берувчи “тайёр материал” сифатида фойдаланиш имконини яратган;

сўз бирикмаларининг матн шакллантириш хусусиятлари ўрганилиб, уларнинг матн когерентлиги ва коммуникатив-прагматик мазмун ифодасидаги ўрнини белгиловчи лисоний-когнитив ҳамда тил бирликларининг семиотик белги хусусиятига эга бўлиши, уларнинг тўхтовсиз тараққий этиб боришини таъминловчи дискурсив тамойиллар қаторида намоён бўлишига оид натижалардан Самарқанд вилоят телерадиокомпаниясининг “Самарқанд овози” эшиттиришининг сценарийсини тайёрлашда фойдаланилган (Самарқанд вилоят телерадиокомпаниясининг 2022 йил 06 апрелдаги 01-11/129-сон маълумотномаси). Натижада сўз бирикмаларига оид тўпланган маълумотлар асосида кўрсатув ва эшиттиришлар маърифий ва амалий жиҳатдан бойитилган, телекўрсатув учун тайёрланган материалларнинг мазмуни мукаммаллашувига, илмий далилларга бой бўлишига, кўрсатувнинг илмий-оммабоплиги таъминланишига хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 27 та, илмий-амалий анжуманда, жумладан, 13 та халқаро ва 14 та республика илмий-амалий конференцияда апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 60 та илмий иш, 3 та монография (биттаси хорижда), Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 12 та илмий мақола, жумладан, 10 та республика ва 2 таси халқаро журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация кириш, тўрт боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Тадқиқотнинг асосий ҳажми 247 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Тадқиқотнинг **Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти, предмети, илмий янгилиги ва амалий қиммати ёритилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқотнинг жорийланиши, натижаларнинг эълон қилингани ҳамда диссертация тузилиши ҳақида маълумот берилган.

Диссертациянинг **“Сўз бирикмалари тадқиқотининг назарий асослари”** деб номланган биринчи боби учта фаслни ташкил этади. Сўз бирикмаси (СБ)нинг тил тизимида тутган ўрни, сўзларнинг ўзаро бирикиб, тушунча ифодаловчи бирлик ҳосил қилиш қонуниятини ўрганиш доирасида фикр-мулоҳаза юритиш ушбу тадқиқот иши олдида турган асосий вазифалардан бири ҳисобланади. СБларининг тил тизимида тутган ўрнини аниқлаш ҳозирги замон тилшунослигининг долзарб муаммоларидан бири бўлиб қолмоқда ва шу билан бир қаторда тадқиқотчилар томонидан СБларининг структур тузилиши, семантик хусусиятлари, деривацион белгилари, прагматик имкониятлари, концептуал структурасининг таҳлили ниҳоятда муҳим вазифалардан эканлиги таъкидланмоқда. СБлари тизимининг тадқиқи жараёнида дуч келинаётган қийинчиликлар умумназарий характерга эга бўлиб, бу СБ назариясининг тугал шаклланиб улгурмаганлиги, ушбу жараённинг давом этаётганлигидан далолат беради. В.В.Виноградовнинг СБ назарияси тараққиётига қўшган ҳиссаси жуда катта, унинг таълимотида “сўз бирикмаси” тушунчаси икки таркибли структура чегарасида талкин қилинади ва бу структура икки мустақил сўзнинг мослашувчанлик, тобелик муносабати орқали бирикишидан ташкил топиб, интонация кўрсаткичлар қаторига ажралмайди ҳамда яхлит, лекин таркибли тушунчаларни ифодалаш учун хизмат қилади⁹. Жумладан, ўзбек тили СБлари тизими тадқиқи ҳам ушбу таълимот таъсири даражасидан четга чиққани йўқ¹⁰.

⁹ Виноградов В.В. Избранные труды: Исследования по русской грамматике. – Москва: Наука, 1975. - 559 с.

¹⁰ Маҳмудов Н., Нурмонов А. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси. - Тошкент: Ўқитувчи, 1995. - 149 б.; Сайфуллаева Р., Менглиев Б., Боқиева Г. Ҳозирги ўзбек адабий тили. -Тошкент, 2010. - 391 б.; Турниёзов Н., Турниёзова К., Хайруллаев Х. Структур синтаксис асослари. – Тошкент, 2009. - 247 б.

Гапни СБдан фарқловчи энг асосий кўрсаткич бу гапларда предикатив муносабатнинг мавжудлигидир: “фраза (СБ) грамматик таҳлилда одатда бирдан ортиқ сўздан таркиб топадиган ва гаплар учун хос бўлган субъект-предикат (эга-кесим) структурасига эга бўлмаган алоҳида турдаги бирикмага нисбатан қўлланиладиган атама”¹¹.

Рус тилшуноси Ю.В.Фоменко “СБ тил бирлигими?” мавзусидаги мақоласини эълон қилиб, СБнинг лисоний ходиса эканлигига шубҳа билдирган эди¹². Дастлаб, турғун боғланиш ва эркин боғланишни бир-биридан фарқлаш керак. Икки ёки ундан ортиқ мустақил сўзнинг бир грамматик бутунлик, маъновий яхлитлик ташкил этиб, мураккаб тушунча ёки тугал фикрни ифодаладиган сўз боғланиши *эркин боғланиш* дейилади. СБ ва гап эркин боғланишга киради. Чунки СБ ва гап нутқ жараёнида ҳосил қилинади. Икки ёки ундан ортиқ сўзнинг қотиб қолиб, нутқда тайёр ҳолда ишлатиладиган боғланиши барқарор, турғун боғланишни ташкил қилади.¹³ СБларига хос бўлган барқарор категориал белгилар асосида СБни бошқа лисоний бирликлар билан қиёслаш ва фарқлаш мумкин бўлади. Айнан шу хусусиятларни эътиборга олган ҳолда, СБнинг лисоний мақоми ҳам белгиланади. Шаклан таркибли кўринишга (мустақил сўзлар бирикувидан таркиб топиши) эга бўлган СБ мазмунан ҳам таркиблидир: *кенг кўча – broad street*. Барча турдаги СБ социолингвистик кўрсаткичга эга, шу сабабли СБларининг маъносини аниқлаш учун воқеликдаги ходисалар, маълум маданиятга оид реалаялар билан таниш бўлиш талаб қилинади. Маълумки, ҳар бир тил белгиси ахборот узатиш билан бир қаторда, тингловчи ёки ўқувчига таъсир ўтказиш вазифасини ҳам бажаради. СБ ҳам бирор бир эмоционал баҳо мазмунини ифода этиш қийматиға, яъни коннотативлик категориясига эга: – *Бинафшанинг майин иси илк баҳор каби тиниқ, сокин кунларни эслатди-ю, беихтиёр жилмайди*¹⁴.

Инглиз тилидаги СБнинг полисемантик хусусияти – бу СБ қисмлари муносабатларининг турлича англанилиши ва шарҳланишига нисбатан турли тушунчаларни ифодалаш ва кўп маъноли бирикмаларга айланишидир. Масалан, *a high country tower* бирикмаси “баланд қишлоқнинг минораси”, яъни баландликда жойлашган қишлоқнинг минораси ёки “*қишлоқнинг баланд минораси*” қишлоқда жойлашган баланд минора; ёки *a late autumn apple* “*кеч кuzда пишган олма*” ва “*кузда кечикиб пишган олма*” маъноларини англатади. Инглиз тилидаги СБнинг полисемия ходисаси уларни ўзбек тилига таржима қилишда қийинчиликлар туғдиради, бу каби қийинчиликлар, айниқса, матбуот нашрлари матнларида учрайдиган СБларида кўпроқ кузатилади.

Ахборотнинг тўғри тушунилиши учун сўзлашувчиларнинг тил ҳақидаги билимидан ташқари, тингловчининг олам, жумла қўлланаётган ижтимоий ҳолат, сўзлаш жараёнида сўзлашувчилар руҳияти ҳақидаги билими ва бошқа билимларини ҳам қўшиш керак бўлади. Ахборотни тушуниш жараёнида

¹¹ Crystal D. A Dictionary of Linguistics and Phonetics. – Oxford: Blackwell, 2008. – P. 367.

¹² Фоменко Ю.В. Являются ли словосочетания единицей языка?//Филологические науки, 1975. № 6.-С.57-68.

¹³ Менглиев Б. Ҳозирги ўзбек тили. - Тошкент: Тафаккур бўстони, 2018. - Б. 10.

¹⁴ Ҳошимов Ў. Икки эшик ораси. – Тошкент: “Шарк”, 1977. – Б. 27.

ушбу билимларнинг барчаси баробар хизмат қилади. Шунинг учун фақат бу билимларнинг ўзаро муносабатини ҳисобга олгандагина биз нутқий жараённинг моҳиятини англашга яқинлашган бўламиз. Ана шундай амалий эҳтиёж натижасида семантика ва прагматика вужудга келди. Лисоний бирликларнинг бу уч томонисиз алоқа воситаси бўлган тил ўзининг тўлиқ талқинини топа олмайди. Демак, синтактик бирликларнинг ҳам уч жиҳати мавжуд: 1) семантика – белгининг борлиқ объекти билан муносабати ҳақидаги таълимот; 2) синтактика – белгининг белги билан муносабати ҳақидаги таълимот; 3) прагматика – белгининг сўзловчи билан муносабати ҳақидаги таълимот¹⁵.

Прагматика тушунчаси дастлаб Арасту (Аристотель) томонидан қўлланилган бўлса, кейинчалик файласуф олимлар Ж.Локк ва Э.Кантлар томонидан кенг муомалага киритилди. “Прагматика (*прагма* – иш, ҳаракат) аслида фалсафий тушунча бўлиб, у Сукротдан олдинги даврларда ҳам қўлланишда бўлган. Америка ва Европада бу тарғиботнинг кенг ёйилишида Ч.Пирс, Р.Карнап, Ч.Моррис, Л.Витгенштейн каби олимларнинг хизматларини алоҳида қайд этмоқ керак. “Прагматика нисбатан янги соҳа ҳисобланиб, унда тилнинг ундан фойдаланувчиларига бўлган муносабати ўрганилади. Мулоқот жараёнида сўзловчи ўз фикрини баён қилишда унинг олдида маълум мақсад туради. Бу мақсад сўзловчини тингловчи тушуниши, англашидан иборатдир. Лисон қанчалик ижтимоий, сўзловчи ва тингловчи учун умумий, мажбурий бўлса, нутқ ҳам улар учун шунчалик умумий, мажбурий ва ижтимоийдир”; “Тил тизими тараққиётининг бошланғич нуқтаси (даври) прагматикадан бошланади”.¹⁶

СБнинг коммуникатив вазифаси тингловчи ёки ўқувчиларда олдиндан мавжуд бўлган предмет-ҳодисалар ҳақидаги тушунчани аниқлаштириш, конкретлаштириш ва изоҳлаш мақсадини воқелантиришдир.¹⁷ Турли гуруҳларга оид СБларининг информативлик даражаси аниқ матн миқёсида белгиланади, буни аниқлаш учун унинг матн воситасида узатилаётган ахборотга қўшадиган ҳиссаси қай миқдорда эканлиги ҳамда СБ ташийдиган ахборотнинг қай даражада тўлиқлигини билиш муҳимдир. Масалан, *Now she walked* гапи орқали ўқувчи кимнингдир сайр қилгани ҳақидаги ахборотга эга бўлса, *Now she walked quite aimlessly for a time, turning here and there ...*¹⁸ гапини ўқиш орқали ушбу ахборот миқёси кенгаяди. СБлар, биринчидан, унинг саёҳати бир муддатли эканлиги ҳақида қўшимча маълумот берган бўлса, иккинчидан, сайр қилувчининг ҳолати ҳақида маълум даражада хабардор қилади. - *Юпқа девор тагидан оқиб чиқиб ҳовузчага қуйилаётган сувни шапиллатмоқчи бўламан, лекин катта лагандай ҳовузчада ёнғоқдай кичик иккита-учта оғринган олма рақс этади, шаршаракчага яқинлашиб бирин-кетин шўнгийди*¹⁹. Ушбу мисолда ҳам СБлари ахборот кўламини

¹⁵ Моррис Ч. Основания теории знаков // Семиотика. Антология. – Москва: Наука, 2001. - С. 45-97.

¹⁶ Сафаров Ш. Прагмалингвистика. – Тошкент, 2008. – Б. 10; – Б. 40.

¹⁷ Филичева Н.И. О словосочетаниях в современном немецком языке. – Москва, 1969. - С. 33.

¹⁸ Dreiser Th. Sister Carrie. - Online-library: Freeditorial, 2014. - P. 16.

¹⁹ Ойбек. Болалик. (хотира-қисса). – Тошкент: Шарқ, 2012. - Б. 7.

кенгайтиришга хизмат қилади. Ўқувчилар нафақт *девор, сув, ҳовуз* ҳақида, балки *деворниг юпқалиги, сувнинг оқиб чиқаётганлиги, ҳовузнинг катта лаганга ўхшаш эканлиги* ҳақида кўшимча ахборотга эга бўладилар. Коннотациянинг прагматик воситалар орқали ифодаланишини ўрганиш матндаги СБлари орқали ифодаланган кўшимча ахборотларни, муаллиф томонидан кўзда тутилган шамаларни, кинояларни яхшироқ англашга, тушунишга ёрдам беради ва бу кўп жиҳатдан тингловчининг, китобхоннинг яширин маъноларни тушуна олиш қобилиятига, дунёқарашининг кенглиги ва олдинги билимларининг мавжудлигига боғлиқдир.

СБларининг валентлик хусусиятлари ҳам матннинг коммуникатив ва шаклан ривожини таъминловчи омиллардан биридир. Валентлик муайян бир сўзнинг бошқа сўзларни бириктира олиш имкониятларидир. Сўз маъносининг логик-семантик қатламини, синтагматик хусусиятларини ўрганишда унинг валентликларини аниқлаш ва системалаштириш алоҳида аҳамиятга эга. Валентлик тушунчаси соф синтактик тушунча эмас, балки семантик-грамматик тушунчадир.

Матн таркибида СБ компонентлари кетма-кетлик тартибининг функционал ўзгариши компонентлардан бирини тушириб қолдириш, такрорий қўллаш ва улардан бирини ажратиб кўрсатиш ҳолатларида кузатилади. Масалан, нутқий фаолият жараёнида СБлари етакчи элементининг тушириб қолдирилиши кенг тарқалган: - *Лагандаги олмалар ҳар томонга сочилиб, беш-олтмаси наманга, иккитаси айвон лабидан думалаб ерга тушди*²⁰; - *He removed two envelopes from inside jacket pocket – one fat, the other smaller – and handed the first to Juanita*²¹. Келтирилган контекстда СБни тўлиғича қайта такрорлашга ҳожат йўқлиги, яъни биринчи мисолда тушириб қолдирилган элемент СБ нинг бош компоненти “олма”, иккинчи мисолда эса “*envelope*” сўзи эканлиги контекстан англашилади, яъни “*беш-олтмаси, иккитаси*”, “*one, the other, first*” сўзларининг семантикаси бунга ишора бераётганлиги сезилмоқда.

СБ компонентларининг такрорланиши, уларни тушириб қолдиришдан фарқли ўлароқ, структур жиҳатдан нутқ элементларининг орттирилишига олиб келади. Бундай орттирилишда, одатда, сўзловчи шахснинг ахборотга ёки унинг элементларига субъектив-баҳоловчи муносабати ўз аксини топади. Айниқса, поэтик нутқда лексик такрорлар турли шаклларда бадиий-услубий вазифа бажаришга хизмат қилади:

*Мен сени деб савобларга урдим бош,
Мен сени деб хатоларга қайрилдим.
Мен сени деб гуноҳ бўлдим, бағри тош,
Мен сени деб бу дунёмдан айрилдим*²².

Кўришиб турибдики, “*Мен сени деб*” анафораси такрорланиб, мисралардаги маънони умумлаштирган. СБ компонентларининг такрори айнан шу ролни ижро этувчи воситалардан биридир. СБнинг эмфатик кучи

²⁰ Ҳошимов Ў. Икки эшик ораси. – Тошкент: “Шарқ”, 2012. – Б. 26.

²¹ Wells H. The Invisible Man. – London: Heinemann, 1991. – P. 54.

²² Азия У. Фонус. - Тошкент: Шарқ, 2010. – Б.10 .

унинг боғловчи элементи – предлогнинг такрор ишлатилишида ҳам ошади: *...and I was aware of a sensation of discomfort and of shame*²³. Предлогнинг такрорланиши бир маромлиликни ва ритмни ҳосил қилади ҳамда олдидан предлог ишлатилаётган ҳар бир компонентнинг ахборот мазмуни ифодасида тутган ўрни муҳимлигини оширади: *...and I was aware of a sensation of discomfort of shame → ...I was aware of a sensation of discomfort and shame*.

СБнинг матн таркибида фаоллашувида намоён бўладиган яна бир хусусияти қисмларининг алоҳида ажратилиб кўрсатилиши билан боғлиқдир. Аниқловчилари бўлмаган тобе компонент, шунингдек, модификаторларга эга бўлган компонентнинг ҳам ажралиб келиши ҳолати кузатилади: - *Сулаймон Рустамовичнинг кўзлари, қандайдир сокин боқувчи, аммо ич-ичидаи ўт порлаб турган қоп-қора кўзлари Зухраникига жуда ўхшаркан*²⁴; - *Mr. Eric Brierty, of Pudsey, moved a resolution...*²⁵. Ушбу ҳолатда ажратилган СБ компонентининг қўлланиши мулоқот муҳитининг талабидир. N1 ва N2 (От1 ва От2) компонентлари модификаторларининг ажратилиши мураккаб структурали СБлари компонентларининг матн таркибида жойлашиш тартибига таъсир қилади. СБларининг MN₁+pr+N₂ (М От1 +предлог+ От2), N₁+pr+ MN₂ (От1 +предлог+М От2) ва MN₁+pr+MN₂ (М От1 +предлог+ М От2) моделларидаги М отлашган компонентларнинг модификаторларини ифодалайди. Предлогли СБларида компонентларнинг ажратилиши фақат постпозицияда рўй бериши билан характерлидир. Бу ўринда NN (От От), N's N (Отнинг От), AN (Сифат От) моделларидаги СБлари тобе компонентларини ажратиш мумкин эмас. Предлогли СБ компонентлари нафақат бир жумла ичида, балки шу жумланинг ташқарисида ҳам ажратилиши мумкин: - *Фақат қиш эди. Қаҳратон қиш... Тор кўча. Ўртасига қор уйиб қўйилган каталакдек ҳовли. Чақмоқ телпакли одам. Совуқ вокзал...*²⁶; - *Yes, that's why it would happen. Life and Works of G. Gimson. In one volume. Unpublished, without illustrations*²⁷. Бундай ажратилиш ҳодисаси парцелляция деб аталади.

Диссертациянинг “**Инглиз ва ўзбек тилларида сўз бирикмалари структур-семантик хусусиятларининг қиёсий ўрганилиши**” деб номанган иккинчи бобида инглиз ва ўзбек тилларидаги СБларининг структур ва семантик тузилиши масалалари таҳлилга тортилган. СБ таркибида бир сўз ҳоким, кейингиси эса тобе позициясини эгаллайди. Бу ҳоким-тобелик ҳолати сўзлар қўшилишининг характери, компонентларнинг грамматик хусусиятлари, формал кўрсаткичлар ва маънолари орқали билинади. Ўзбек тили СБ элементларининг тартибига кўра тобе сўз ҳоким сўздан олдин келади, аммо бу ҳолат инглиз тили учун доимий эмас. Тобе сўзнинг шакли ҳоким сўзнинг талабига қараб ўзгаради. Тобе элемент одатда ҳоким элементнинг маъносини турлича изоҳлашга, конкретлаштиришга ёрдам беради. СБ моделлари тил бирлиги ҳисобланиб, ҳоким бўлакнинг қайси сўз

²³ Updike J. Marry Me. – New York, 1978. – P. 66.

²⁴ Хошимов Ў. Нур борки, соя бор. – Тошкент, 1977. – Б.209.

²⁵ Sydney P. An Apology for Poetry. – New York, 1996. – 203 p.

²⁶ Хошимов Ў. Икки эшик ораси. – Тошкент: “Шарқ”, 2012. – Б. 14.

²⁷ Сучков А. Қизиқарли ФАКТлар. Бугун жаҳон ўргумчак тўри. <http://www.krugosvet.ru/articles>. 20.12.2020.

туркумига мансублигига кўра: отли СБлари; феълли СБлари; сонли СБлари, равишли СБлари; сифатли СБлари ва бошқа турларга бўлинади. Ушбу моделлардаги сўз бирикмаларининг фаоллашув миқдори ва меъёрини ўрганиш мақсадида XX-XXI аср инглиз ва ўзбек адиблари асарларидан (50 000 саҳифа босма матн) ажратиб олинган 155977та сўз бирикмалари таҳлилга тортилди, ушбу сўз бирикмаларидан 100 000таси инглиз тилида бўлиб, улардан 69 000 тасини предлогли сўз бирикмалари ташкил этади.

Инглиз тилидаги *Noun+noun (om+om)* СБларининг бир тури *N+pr+N (om+предлог+om)* моделидаги СБлари кенг миқёсда қўлланилади. Ўзбек тилида предлогли СБлари мавжуд эмас, предлогларнинг вазифасини келишик қўшимчалари бажаради. Қўлланишда бўлган предлогли СБларнинг миқдорий кўрсаткичларини аниқлаш учун Т.Драйзер қаламига мансуб “Sister Carrie” романининг фақатгина биринчи саҳифасига мурожаат қилганмиз, жами учраган предлоглар сони 55 та бўлиб, қуйидаги жадвалда уларнинг турларига кўра фоизда тақсимланиши келтирилган:

2.1-жадвал.

Предлогли СБ турларининг миқдорий кўрсаткичлари

№	Модел	Миқдор кўрсаткичи	Фоиз%	Мисоллар
1.	N+of +N	21	38	a scrap of paper
2.	N+in +N	10	18	lunch in a paper-box
3.	N+for+N	3	5.6	train for Chicago
4.	N+with +N	2	3.7	impression with conjectures
5.	N+to +N	2	3.7	appeal to the senses
6.	N+on +N			-
7.	N+at +N	4	7.4	counsellor at hand
8.	N+from +N			-
9.	Бошқа предлоглар	13	23.6	balance under the circumstances, breathe into ear

Предлогли СБлари орасида энг кўп миқдорда учрайдиганлари *of* предлоги воситасида тузилган бирикмалар бўлиб, *of* предлоги ўзбек тилида қараткич келишигининг қўшимчаси - *нинг* орқали ифодаланади: *a riot of boys* - болалар(нинг) тўдаси. Баъзи ҳолларда предлог умумий мазмунга путур етказмасдан бошқа предлог билан алмаштирилиши мумкин: *Some notes in my diary* ↔ *Some notes of my diary* - Кундалигимдаги баъзи қайдлар ↔ Кундалигимнинг баъзи қайдалари; *the struggle with hunger* ↔ *the struggle against hunger* - очлик билан курашиш ↔ очликка қарши курашиш.

Инглиз ва ўзбек тилларида *Verb+Noun (Om+Феъл)* туридаги феълли СБ ясалиши ҳар иккала тилда деярли бир хил, аммо инглиз тилида аввал феъл кейин от жойлашса, ўзбек тилида аксинча, аввал от кейин эса феъл жойлаштирилади: *take a pen* – қаламни олмоқ. Инглиз ва ўзбек тилларида равишли СБлари ясалиши деярли ўхшайди, инглиз тилидаги *Adverb+Adverb (Равиш+Равиш)* туридаги равишли СБ ўзбек тилида ҳам мавжуд: *very quickly* - жуда тез; *Om+Равиш* туридаги СБ ўзбек тилида мавжуд, инглиз тилида *Numeral+Noun+Adverb (Сон+Om+Равиш)* равишли СБлари учрайди: *ўқдан тез* – *three days ago*. Сифатли СБларида ҳоким элемент вазифасида доим сифат келади: *тошдан қаттиқ, ердан баланд, капалакдан нозик, an evening*

party, morning newspaper, a busy man etc. Сўзлардаги маъно ва грамматик хусусиятлар тўғри аниқланиб, нутқда ўринли бириктирилсагина, услубий нуқсонсиз, ихчам ва тушунарли фикр рўёбга чиқади. Акс ҳолда, нутқ саёз ва мантиқсиз бўлади. Сўзлар орасидаги синтактик муносабат орқали СБ ҳосил бўлади.

Координатив боғланиш элементлар орасидаги тенг муносабатни ифодалайди, бунда бўлақлар бир-бирига нисбатан баробар, тенг бўлади, орасида тобелик бўлмайди: *олма* ва *анор*, *apple* and *pomegranate*.

Субординатив боғланиш тенг бўлмаган – бири ҳоким, бири тобе бўлган элементларнинг муносабатини ифодалайди, яъни гуруҳдаги элементларнинг бири иккинчисини аниқлайди: аниқлаш учун хизмат қилаётган элемент тобе бўлиб, аниқланаётган элемент ҳокимдир: *чиройли қиз - a beautiful girl*. СБ элементларининг бир-бири билан боғланиши турли воситалар билан ифодаланади. Сўзлар орасидаги алоқанинг турли воситалар билан ифодаланиши ўша сўзларнинг қайси сўз туркумига мансублиги, уларнинг турли лексик-грамматик хусусиятларига боғлиқ. СБнинг энг асосий белгиси ўзи турли бўлақлардан иборат бўлиб, яхлит тушунчаларни ифодалашдир. СБлари грамматик жиҳатдан мазкур тилнинг қоида-тартибига асосан шаклланиб, элементларининг боғланиши эргашиш (тобеланиш) муносабати орқалигина амалга оширилади, тенгланиш муносабати бўлмайди.

Луғавий бирликлар семантик тузилишини когнитив таҳлил этишга катта эътибор қаратилаётган бўлса-да, СБ таҳлиliga нисбатан когнитив ёндашувнинг татбиқ қилиниши етарли даражада эмас, зеро “ҳар қандай бирикма семантик изоҳ ва прагматик таҳлилга лойиқдир”²⁸. Когнитив йўналиш учун муҳим назария - бу воқеликдаги объектларнинг икки, яъни "конкрет" ва "мавҳум" турдаги бирлашмалари (ассоциациялари) бўлиб, бу уларни "конкрет субъектларга боғлиқ бўлмаган, воқеликдаги объектларнинг асосий хусусиятларини" объективлаштирадиган бир синфга бирлаштириш имконини беради²⁹. Когнитологиянинг асосий тушунчаларидан бири – категориялаштириш бўлиб, у қиёслаш, қарама-қарши қўйиш, аниқлаштириш, мавҳумлаштириш каби кўринишларни олиши мумкин³⁰. Бу ҳодиса СБнинг ҳосил бўлиш жараёнига ҳам оид, у янги тажрибани олдиндан амалда мавжуд бўлгани билан қиёслаш жараёнидир. Ж.Лакоффнинг қараши конкрет бирлашмалар ғоясига яқин, у “*аёллар*”, “*олов*” ва “*хавфли нарсалар*” каби тушунчаларни мужассамлаштириб, *аёлларнинг олов каби қизгин ва хавфли бўлиши* мумкинлигини таъкидлайди³¹. Категориялаштириш жараёнида соматик объектлардан ҳам унумли фойдаланилади, масалан “*бош*” тананинг юқори ва “*оёқ*” қуйи қисмида жойлашганлигига кўра: *head of a mountain – тоғнинг боши, foot of the page – саҳифанинг адоғи* каби СБ ясалади. Ҳайвон номи етакчи элемент вазифасини бажарадиган СБда ҳам категориялаштирув амали кузатилади, масалан “*сигир*” сўзи билан: *have a cow, a sacred cow, till*

²⁸ Croft W., Crus D.A. Cognitive Linguistics. – Cambridge University Press, 2004. – P. 247.

²⁹ Гак В.Г. Языковые преобразования. – Москва: Школа «Языки русской культуры», 1998. – С. 33.


³⁰ Сафаров Ш. Когнитив тилшунослик, - Жиззах: Сангзор, 2006. – Б. 53.

³¹ Lakoff G. Women, Fire and Dangerous Things. What Categories Reveal about the Mind.-Chicago, 1987.- 614 p.

the cows come home, сизирдек ювош, серсут сизир, аммамнинг бузоги ва бошқа СБлари ясалади: - *Биров нақдлаб қўйса-да, булар молдек бўкиб, еб ётаверса!*; - *Сизирдай хотинга атлас кўйлакни ким қўйибди*³².

Тадқиқот ишлари учун фрейм тушунчаси муҳим аҳамиятга эга бўлиб, бу атама М.Минский асари нашр этилгандан кейин жуда оммалашди³³. Фреймнинг маълум бир маънони шакллантириш андозаси сифатида СБ тадқиқида қўлланиши, ушбу тадқиқот йўналишининг самарасини белгилайди³⁴. “Инсон юраги” инсоннинг ҳаёт фаолияти давомида тананинг энг муҳим аъзоси бўлиши билан бир қаторда, ушбу соматик объект икки компонентдан ташкил топган ягона концепт, яъни СБ ҳамдир.

Инглиз ва ўзбек тилларида “Инсон юраги” фреймининг СБ таҳлилига татбиқ қилинишида ушбу концептни ташкил этувчи субфреймлар ажратилди ҳамда алоҳида тугунларга тақсимланди, чунки дериватология даражасида ўрганиш концептнинг иккинчи маъноси зоҳирлашган СБ яратиш имконига эга эканлигини кўрсатди.



2.1-расм: “Инсон юраги” фрейми

Тана аъзоси сифатида: *соғлом юрак, юракнинг уриши, юрак касаллиги*; кўчма маънода: *юраги ачимоқ (ёрилмоқ, куймоқ, ва ҳоказо)*. Инглиз тилида *the heart as: a muscular organ, located between the lungs, middle compartment of the chest*; кўчма маънода: *heart of gold, heart to heart, heart of stone*. Келтирилган фрейм схемаси умумий характерга эга бўлиб, алоҳида тил учун бошқа бирор алоҳида кўриниш касб этмайди. Ҳар бир тил номинатив birlikлар яратилишининг ўзига хос механизмлари, воситаларини шакллантиради ва бу воситаларда миллат ва маданиятнинг ўзига хос хусусиятлари ўз аксини топади.

“Инглиз ва ўзбек тиллари сўз бирикмалари тизимида кечадиган деривацион жараёнлар” номли учинчи бобда деривация тушунчасининг

³² Хошимов Ў. Тушда кечган умрлар. – Тошкент, 2002. – Б. 47; Икки эшик ораси. – Тошкент, 2012. – Б. 65.

³³ Минский М. Фреймы для представления знаний. – Москва: Энергия, 1979. – 152 с.

³⁴ Сафаров Ш. Прагмалингвистика. – Тошкент, 2008. – 320 б.

кенг маънодаги талқини анъанасига таянган ҳолда асосий эътибор СБ структур-семантик тузилишидаги силжишларнинг деривацион жараёнлар, яъни тил тизими динамикаси билан боғлиқлик жиҳатларига қаратилади. Деривацион жараён орқали нутқнинг бир бирлиги асосида янгисини яратиш каби инсон қобилияти орқали амалга ошириладиган хусусиятлари мавжудлиги деривациянинг универсал табиати ҳақида хулоса қилиш имконини беради, чунки у тилнинг бир сатҳидан ташқарига чиқади ва сатҳлараро категорияга айланади. Тилдаги деривацион муносабатлар тилнинг динамик тизими деб аталадиган тизимни ташкил қилади. СБлари тизимида чизикли деривация энг кўп таъсирга эга йўналиш бўлиб, бу тизимга кирувчи birlikларнинг катта қисми асосан таркибий қисмларининг бир текис бирикуви асосида ясалади ва бу уларнинг структур моделларида акс этади.

3.1-жадвал.

Чизикли деривацияга хос СБ структур моделлари

No.	Модел	Сўз бирикмалари	Сўз бирикмалари	Мослиги
1.	N_1+N_2	<i>stone wall</i>	<i>тош девор</i>	+
2.	N_1+pr+N_2	<i>the book of a pupil; the message from Tashkent; a girl at the window; the newspaper on the table; a letter with the envelope</i>	<i>боланинг китоби; Тошкентдан хабар; дераза ёнида(зи) қиз; стол устида(зи) газета; хат билан конверт</i>	+
3.	$N's+N$	<i>Grandmother's birthday;</i>	<i>бувимнинг тугилган куни</i>	+
4.	$Adj+N$	<i>white snow; rainy day</i>	<i>оппоқ қор; ёмғирли кун</i>	+
5.	$Ving+N$	<i>running dog</i>	<i>чопаетган ит</i>	+
6.	$Ven+pr+N$	<i>cut in pieces</i>	<i>бўлақларга бўлинган</i>	+

Юқоридаги жадвалда келтирилган чизикли деривация жараёнининг маҳсули бўлмиш моделларнинг фарқи фақат деривация формал операторларининг турли хил эканлигида, СБда шундай операторлар ролини предлог (2, 6) ва 's (3) форманти ўйнамоқда. Инглиз тилига хос бўлган предлог ва 's форманти ўзбек тилида ўз вазифаларини келишик қўшимчаларига юклайди. Натижада ҳар иккала тилда ҳам тузилиши жиҳатидан деярли бир хил СБ ясалади. Инглиз тилида энг фаол операторлар қаторига, предлоглардан ташқари, ноль оператори киради (1, 4, 5), бу қоида фақат инглиз тилига хос бўлиб қолмай, ўзбек тилида ҳам ноль оператори деривация формал операторларининг бир тури ҳисобланади (1 ва 4 моделлар).

Ноль операторига эга ёки 's ('s - келишик қўшимчалари) форманти билан ифодаланган ёйилиш деривацияси негизида қуйидаги СБлари ҳосил бўлади:

3.2-жадвал.

Ёйилиш деривацияси орқали ҳосил бўлган СБ моделлари

No.	Инглиз тилидаги моделлар	Ўзбек тилидаги моделлар	Мослиги
1.	MN_1+pr+N_2	$OT_1+кк+CO_2$	-
2.	$N_1+pr+MN_2$	$CO_2+ кк+ OT_1$	-
3.	$N_1+'s +N_2+pr+MN_3$	$OT_1+ кк +OT_2+ CO_3+ кк$	-

Ушбу турдаги мураккаб бирикмаларда бош ва тобе бўлаклар ўрнини AN (Сифат От), NN (От От), PN (Олмош От), NumN (Сон От), VingN (Сифатдош От), VenN (Сифатдош От) таркибли оддий биномлар эгаллайди. Жадвалда моделлар мослиги кўринмаса-да, бу фақат ушбу моделларнинг шаклига тегишли, мазмун жиҳатдан фарқлар деярли мавжуд эмас. Координатив муносабатлар асосида кечадиган деривация жараёнининг ҳар қандай ҳолатида СБ структурасини кенгайтирувчи элементнинг бош ва тобе компонент билан бир йўсинда боғланиши ҳолати кузатилади: – *A salad of tomato, cucumber and cabbage* → *a salad of tomato, (a salad of) cucumber and (a salad of) cabbage*.

Барча лингвистик бирликлар деривацияга учрайди, аммо ўзгаришлар, биринчи навбатда, унинг ички шакли билан чамбарчас боғлиқ. Шунинг учун деривацион жараёнларни ўрганиш тил бирликларининг морфологик ва семантик масалалари билан боғлиқ бўлиб, тилшуносликнинг функционал ва семиологик анъаналарига асосланади. Масаланинг концептуал томони деривацияни тадқиқ қилиш ва ментал бирликларнинг уларнинг тилда намоён бўлишлари билан чамбарчас боғлиқлигини ўрганишга ёрдам беради.

СБ деривацияси жараёнининг кечишида ташқи оламдаги предмет-ҳодисаларнинг инсон онгида қандай акс этишини аниқлаш муҳимдир. “Деривацион тугун” бу – ўсиб боришнинг махсус нуқтаси бўлиб, унда кейинги деривацион жараёнлар учун энг қулай шароитлар яратилади. Деривацион тугунлар айнан ментал кўринишда, яъни турли бирикмаларни ҳосил қилувчи асослар, СБ компонентлари кўринишидаги концептуал белгиларда шаклланади. Концептнинг имкониятидан амалий фойдаланиш жараёни *концептуал деривация* деб юритилади. СБлари деривацияси икки мустақил концептнинг ўзаро мослашуви ва бирикувини таъминлайди. Бундай деривация жараёни таянч концептнинг информатив қиймати мазмуннинг бойиши ва янги кўриниш олиши учун муҳим вазифани бажаради. Тилшунос олимларнинг баъзилари N+N (От+От) таркибидаги СБларини Adj+N (Сифат+От) таркибидагилардан фарқлашнинг ягона йўли уларни предикатив тузилмаларга трансформация қилиш имконининг борлиги ёки бўлмаслигида, деб биладилар: *Blended Learning* → *Learning which is Blended; educational technologies* → *technologies that are educational*. Лекин *an electrical engineer* СБни – **an engineer who is electrical* тарзида ўзгартириб бўлмайди.

Ж.Лакофф ва М.Жонсонлар метафоранинг соф тил ҳодисаси эмас, балки тафаккур бирлиги эканлигини уқтирадилар: “бизнинг тафаккуримиз, кундалик тажрибамиз ва ҳатти-ҳаракатларимиз кўп жиҳатдан метафорик шартланган. Метафора фақат мулоқот воситаси бўлибгина қолмасдан, балки онгимиз фаолияти ва ҳатти-ҳаракатларимизни ҳам шакллантиради”³⁵. – *This road goes to London*³⁶; – *"In the slanting beams that streamed through the open window the dust danced and was golden"*³⁷ ; – *Осмонда тўлин ой хомуш нур*

³⁵ Lakoff J., Johnson M. Philosophy in flesh: The embodied mind and its challenge to western thought. – New-York: Basic Book, 1999. – P. 112.

³⁶ Lawrence D.H. The Rainbow. – London: Penguin Books, 2000. – P. 79.

³⁷ Wilde O. The Picture of Dorian Grey. – London: Macmillan, 1999. – P. 96.

*сочади. Автобус билан ёнма-ён учиб боради. Ҳаммаси оймоманинг юмшоқ беланчагида ором олиб тебранади*³⁸ нутқий актларида ижод қилинган *road to London, dust golden, хомуш нур, оймоманинг юмшоқ беланчаги* окказионал СБларининг деривацияси концептуал метафоралаштириш босқичини босиб ўтганлиги равшан бўлади. Бу босқичда ўзаро бирикаётган концептлар бошқа бирор бир концепт билан қиёсланади ва уларнинг хусусиятлари бир бирига кўчади. Концептлар хусусиятларининг биринчисидан иккинчисига кўчишини қуйидаги СБлари деривациясида кўрамиз: *King Charles's head (an obsession)* – Қирол Чарльзнинг боши (хаёлни доимо банд қилган ўй / фикр); *king of beasts (the lion)* – махлуқлар шоҳи (шер); *king of birds (the eagle)* – кушлар шоҳи (бургут). Шу каби СБларининг тахлили деривация жараёнида шахснинг жамиятда тутган мақомига кўра илгари ўринга чиқариб қўйилиши, жонзотларга хос бўлган хусусиятларнинг бошқа концептуал доирага кўчирилишини кўрсатади. *A rotten apple* бирикмасининг деривациясида концепт хусусиятлари силжиши бир оз бошқачароқ тус олади. Ушбу СБнинг:

– *You have a new member in your company. What kind of person is he? – I think this man is a rotten apple*³⁹ тузилмасида қўлланиши ҳолатини қарайдиган бўлсак, концептуал хусусиятларнинг кўчиши икки томонлама эканлигини сезамиз. Бирикманинг биринчи бўлаги *rotten* луғатда қуйидагича изоҳланади: 1. (adj.) *very bad*; 2. (adj.) *damaged by decay; hence unsound and useless*; 3. (adj.) *having decayed or disintegrated; usually implies foulness*. Бирикманинг иккинчи бўлаги *apple* эса луғатда қуйидагича таърифга эга: 1. (Noun) *a fruit with red or yellow or green skin and sweet to tart crisp whitish flesh*; 2. (Noun) *native Eurasian tree widely cultivated in many varieties for its firm rounded edible fruits*⁴⁰. Келтирилган изоҳлар ҳар бир концептнинг “*жуда ёмон, фойдасиз, чириган*”, “*мева номи, мева дарахти*” каби алоҳида олинган хусусиятларини акс эттиради. Концептуал деривация жараёнида худди шу хусусиятлар “*истиқболли*” ҳисобланиб, *man* концепти хусусиятларига мослаштирилади (*man* лексемасининг луғатдаги изоҳи: “*an adult male human being*”). Натижада *rotten* сўзининг юқорида ажратилган салбий хусусиятлари *rotten* концептининг “*одам*”, “*эркак*” белгиларига хослашади. Кейинги босқичда эса бундай мослашув “*қуриб битказиш*” усулида бажариладиган когнитив амалнинг фаоллашувини тақозо этади ва бунда одамларга хос бўлган иллатнинг хавфини “*ошириб кўрсатиши*” хусусияти ҳам инобатга олинади, “*rotten apple man*” мураккаб концепти юқоридаги лисоний контекстда киноя мазмунини олиб, *a bad person in a group, typically one whose behavior is likely to have a corrupting influence on the rest* маъносини ифодалайди.

Концептлар хусусиятларининг биринчисидан иккинчисига кўчишини ўзбек тилидаги: *қўли гул, отнинг қашқаси, темир дафтар, илоннинг ёгини ялаган* каби СБлари деривациясида ҳам учратиш мумкин: – *Луқмонбек маҳаллада отнинг қашқаси*⁴¹. *Отнинг қашқаси* СБнинг компонентлари *от*

³⁸ Ҳошимов Ў. Икки эшик ораси. – Тошкент: Шарқ, 2012. – Б. 15-16.

³⁹ The Barnhart Dictionary of New English 1963-1972. – London: Longman, 1973. – 512 p.

⁴⁰ Cambridge Academic Content Dictionary. - Cambridge University Press, 2017. - 1156 p.

⁴¹ Аҳмад С. Сайланма. – Тошкент: Энциклопедия, 2004. – Б. 60.

хамда *қашқа* луғатда бир қатор изоҳларга эга⁴². Концептуал деривация жараёнида ушбу концептлар “истикболли” ҳисобланган хусусиятларга таяниб, *одам* концепти хусусиятларига мослаштирилади; натижада *қашқа* сўзининг юқорида ажратилган хусусиятлари *от* концептининг “*одам*”, “*эркак*” белгиларига хослашади ва бунда одамларга хос бўлган “*баҳо бериш*” хусусияти инобатга олинади. Натижада *отнинг қашқасидек одам* мураккаб концепти юқорида берилган мисолда *ҳамма биладиган, танийдиган одам* маъносини англатади. Бу мазмун таркибида отнинг қашқаси жойлашган ери, яъни, унинг пешонада бўлиши ушбу деривацион концепт заминидан жой олади: пешона отнинг бош қисмида, энг кўринадиган ерида жойлашган, кўзга кўринган маъноси шу фактга ишора.

Инглиз ва ўзбек тилларидаги СБлари деривацияси жараёнлари таҳлилида бир қатор ўхшашликлар кузатилди. Қуйидаги жадвал концептуал деривация жараёнида СБларининг иккиламчи маъно касб этиш ҳолатини икки тил мисолида қиёслаш имконини беради, бу жадвални ҳали давом эттириш мумкин, чунки шу аснода СБлари ясалиши, яъни концептларга хос баъзи хусусиятларнинг биринчисидан иккинчисига кўчиши инглиз тилида ҳам, ўзбек тилида ҳам кенг тарқалган:

3.3-жадвал.

Концептуал деривация жараёнида СБнинг иккиламчи маъно олиши

№.	Инглиз тилидаги СБлар	Ўзбек тилидаги СБлар	Маъноси
1.	<i>cock of the walk</i>	<i>йигитларнинг хўрози</i>	олди, етакчи
2.	<i>dog's age, till the cows come home</i>	<i>тошбақадек имиллаб</i>	узок вақт
3.	<i>horse of another (different) colour</i>	<i>зуваласи бошқа хамирдан</i>	бошқача
4.	<i>power behind the throne</i>	<i>отнинг қашқаси</i>	машҳурлик
5.	<i>piss in the wind</i>	<i>ҳавога совуриш</i>	беҳуда, самарасиз
6.	<i>as good as gold</i>	<i>тилла бола</i>	яхши хулқли
7.	<i>turn geese into swans</i>	<i>кесакдан олов</i>	кутилмаган ҳол
8.	<i>hand in glove</i>	<i>қўлни қўлга бериб</i>	биргаликда
9.	<i>(from) hand to mouth</i>	<i>қўли калта</i>	ночор
10.	<i>be skin and bone</i>	<i>эти устихонга ётишган</i>	озғин

К.Фрохличованинг фикрига кўра, сўзларни қўшиш, блендинг ва деривация СБ яшашнинг энг самарали жараёни ҳисобланади, чунки у неологизмларни қидириш жараёнида ушбу фикр тасдиғи сифатида *silver goal, vanity sizing, salad dodger or stealth tax* СБни мисол қилиб кўрсатган⁴³. Метафора назариясини ишлаб чиқишда маъно деривацияси, ҳодисаларнинг процессуал моҳияти, моделлаштириш, матн шартлилиги каби тушунчалар мажмуасидан фойдаланилади. Олдиндан мавжуд бўлган концептлар замирида янги концептуал тузилмаларнинг яратилиши мураккаб лисоний тафаккур фаолиятининг натижасидир. СБнинг семантикасини грамматик (синтактик) муносабатлар кўринишида ўрганиш анъанаси мавжуд бўлиб, бу анъана “маълум бир хусусиятлар ва субстанциялар замирида юзага келадиган замон, макон, сабаб боғланишларини муносабат”, деб атаган А.А.Шахматов

⁴² Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 3-5 Ж. – Т.: "Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2007. - Б. 158, - 281.

⁴³ Fröhlichová K. Word Formation and Neologism in the English Language. -Bakalářská práce Plzeň, 2011.- P.40.

даврига бориб тақалади⁴⁴. СБ қисмлари ўртасидаги муносабатлар синтактик ва мантикий асосга эга бўлади, зеро, маъно тузилишининг функционал-деривацион тадқиқи тил тизими бирликларининг бевосита нутқий фаолият жараёнида ҳосил бўлишини эътиборга олинишини талаб қилади. Семантик ва синтактик деривациялар бир-бирлари билан узвий боғлиқ бўлса-да, уларнинг ҳар бири ўзининг алоҳида мақомига эгадир⁴⁵. Семантик деривация ҳақида гапирганда, СБ таркибида парафразалар қатнашиши мумкинлигини айтиб ўтиш жоиз. Парафраза тилшуносликда “тасвирий ифода” маъносида қўлланилади: “Нарса, ҳодисани ўз номи билан эмас, тасвирий усул билан маълум контекст, маълум ситуациядаги характерли белги-хусусияти орқали ифодаладиган стилистик усул. Масалан, *дала маликаси, (маккажўхори)*”⁴⁶. Семантик структура таркиб топишида бажарилаётган вазифанинг роли катта бўлиб, бу СБнинг ҳар бир компонентига маълум маънони бириктиради ва шу йўсинда улар ўртасида “етақчилик-тобелик” ролларини тақсимлайди: *useful job – useful with money → фойдали иш - даромади туфайли фойдали; clever boy – clever in behaviour → ақлли бола – одоби билан ақлли* etc.

СБ таркибидаги ўзга маъноли сўз ўрнини эгаллаётган мавхум отларнинг фаоллашувида ҳосил бўладиган маъно муносабатларида мавхум от репрезент, яъни бошқа бирлик вазифасини бажарувчи хусусиятини эгаллайди. Репрезентив вазифа бажарилиши куйидаги кўринишларда намоён бўлади: ички, ташқи ва пропозитив хусусиятли. Мавхум отнинг ўрнини унинг луғавий тавсифида мавжуд бўлган бошқа маънодош от эгаллаганда ички репрезентация ҳодисаси юзага келади: – *He was under weather* (унинг кайфияти ёмон эди) гапида *weather* сўзининг луғавий тавсифида *mood* (кайфият) семаси ифодаланади. *Cloudy weather (the weather is cloudy)* бирикмасининг тағмаъносида *weather* сўзининг *sky* семаси туради. Ушбу мисолни ўзбек тилида таҳлил қилсак, ҳар иккала тилдаги айнан ўхшаш ҳолатнинг гувоҳи бўламиз. *Cloudy weather* ўзбек тилига *булутли ҳаво* сифатида таржима қилинади. *Баҳор ҳавосидек ўзгарувчан, қора булут қоплаган, булутли ҳаво* СБ инсон кайфиятига нисбатан ишлатилиши ҳолатлари мавжуд. Бу СБнинг тағмаъносида *ҳаво* сўзининг яна *осмон* семаси ҳам англашилади. Мавхум от ўз семантик структурасида мавжуд бўлмаган маъно бирлигининг ўрнини олганда ташқи репрезентация ҳодисаси ҳақида гап кетади. Масалан: – *He looked defiantly around the table, his eyes flat, his face pale*⁴⁷ гапидаги *face pale* СБда *pale* сўзининг луғавий тавсифида *skin* тағмаъноси яширинган. Худди шу каби мисолни ўзбек тилидаги бадий асарларда ҳам учратиш мумкин: – *Котибанинг ранги энди батамом оқариб кетди. - Н.ни кўриб қўшнисининг ранги оқариб кетди ва ўзини четга олди*⁴⁸. *Ранг* сўзи тағзаминида *тери* маъноси англашилади. Маъновий ўрин

⁴⁴ Шахматов А.А. Синтаксис русского языка. – Ленинград, 2001. – С. 27.

⁴⁵ Турниёзов Н.Қ. Ўзбек тили деривацион синтаксисига кириш. – Самарқанд, 1990. – Б. 23.

⁴⁶ Ҳожиев А. Ўзбек тили сўз ясаиши тизими. – Тошкент: Ўқитувчи, 2007. – Б. 67.

⁴⁷ Hemingway E. A Farewell to Arms. Free eBooks at Planet eBook.com., 2020. – P. 176.

⁴⁸ Эшонқул Н. Гўрўғли. “Шарқ юлдузи” журнали. – Тошкент, 2012. – Б. 5; Б. 22.

алмашинувининг пропозиция кўринишида мавҳум от аниқ референтга эга бўлмайди: *sweet memory* – ёқимли хотира, *waste time* – беҳуда сарфланган /исроф этилган вақт.

“Сўз бирикмаларининг коммуникатив ва прагматик имкониятлари” деб аталган тўртинчи бобда ҳар қандай тил тизими бирликларининг, жумладан, СБнинг ҳам матн таркибида фаоллашаётиб, мулоқот бирлигига айланиши жараёнлари ҳақида гап боради. Тугал коммуникатив ҳодиса – матн таркибида СБ турли вазифаларни бажаради, матн категориал белгилари ифодаланишида иштирок этади ва бу иштироки матн шакллантирувчи қийматга эга бўлади. Бундай қиймат сифат ва сон кўрсаткичларига эга. СБ матн яратувчанлик қийматининг сифат кўрсаткичи уларнинг матн категориал белгиларидан қайсилари билан боғлиқлиги билан белгиланса, сон кўрсаткичлари эса, СБнинг матнда қай миқдорда қўлланилаётганлиги билан аниқланади. СБ матн доирасида “бирламчи” тизим хизматини ўтайди, яъни луғавий ва грамматик тизимларнинг “камчилигини” тўлдиради⁴⁹. СБ мавжуд бўлган сарлавҳанинг ўзиёқ СБнинг матн яратиш имкониятига эга эканлигини далиллайди: *A Farewell to Arms* (E.Hemingway); *A morning to remember* (G.Smith); *Journey to Ixtlan* (C.Castaneda); *Ўтган кунлар* (А.Қодирий); *Қутлуғ қон* (Ойбек). Аммо СБнинг матн модаллик майдонидан жой олиши турли услубларда бир хил эмас, албатта. Бадиий ва публицистик асарлар матнида СБнинг модаллик мазмуни ифодасидаги роли катта бўла туриб, расмий, илмий ҳамда информатив жанрдаги мақолалар матнларида СБ кенг миқдорда қўллансалар-да, уларнинг матн модаллиги майдонидаги улуши нисбатан кам.

СБнинг коммуникатив вазифаси тўлиғича, дискурсада, матн доирасида намоён бўлишига ҳеч қандай гумон йўқ. Худди шунингдек, СБ бажарадиган ахборот ташиш вазифаси ҳам маълум контекста юзага келади, информативлик СБнинг асосий белгиси ва бажарадиган вазифаларидан бири эканлигини эътиборга олишимиз лозим. Инсоний тафаккур жараёнида яратилган матн тағмаъноли бўлиши муқаррар. Ўқувчи эса тағмаънони излаш жавоб когнитив фаоллигини бажаради, яширинган маъно манбаларини, тил бирликларининг “ботиний шакллари”ни қидиради. Муаллиф, албатта, ўқувчининг когнитив фаолиятини осонлаштириш ниятида матнда, яширин бўлсада, турли ишоралар тайёрлайди. Бундай ишораларни беришнинг энг кенг тарқалган йўли – у ёки бу қисмни, бўлакни, лисоний бирликни алоҳида таъминлашдир⁵⁰. Баъзан қўлланилаётган СБ бошқа бирор бир матнга хос бўлган ахборотни қайта такрорлаш билан прагматик самарага эришиш учун хизмат қилади. Такрорий қўлланиш, тил бирликларининг нутқий фаолиятда қайта қўлланиш қобиляти⁵¹ сифатида СБнинг барча турларига хосдир, чунки улар, олдин қайд этилганидек, кўпроқ луғавий сатҳга қарам бўлган

⁴⁹ Гак В.Г. Языковые преобразования. – Москва: Школа «Языки русской культуры», 1998. - С. 238.

⁵⁰ Ashurova D.U. Text Linguistics. – Tashkent: Tafakkur qanoti, 2012. - P. 100.

⁵¹ Ахманова О.С. Очерки по общей и русской лексикологии. – Москва: ЛИБРОКОМ, 2009. - С. 86.

тузилмалардир: – *Кўрқманг, далада бўри йўқ, сиз ҳам кўзичоқ эмассиз*⁵². Ўқувчи, гарчи матнда бунга ҳеч қандай ишора берилмаган бўлсада, ушбу жумла рус ёзувчиси И.А.Крилов қаламига мансуб “*Бўри билан кўзичоқ*”⁵³ масалидан олинганлигини билади (чунки масал жуда машҳур).

СБларининг такрорий қўлланиши ва уларнинг матн ахборот захираси яратилишига қўшадиган ҳиссаси ҳақида гапираётиб, айтиш жоизки, такрорий қўлланаётган СБни тил умумий тизимида оид ҳодисалар қаторига қўшиш лозим. СБнинг коммуникатив табиати ва имкониятларини аниқлашда улар ясаилиши мумкин бўлган андоза-қолипларнинг маҳсулдорлик даражасига ҳам эътибор бериш лозим. Кузатганимиздек, дискурс иштирокчилари А+N (Сифат+ОТ), N+N (ОТ+ОТ) ва предлогли қолиплардан эркин ва кенг миқёсда фойдаланган ҳолда СБни ҳосил қилиш имкониятига эга.

Дискурс фаолиятининг маҳсули сифатида қараладиган матн структур ва мазмуний-мантқиқий муносабатларнинг умумлашмаси, яхлитлигидан иборат лисоний ҳодисалар қаторига киритилаётганда асосий эътибор унинг ички тузилиши, таркибига қаратилади. Аммо дискурс қоидаларининг асл моҳиятини билиш учун уларнинг матндан ташқари муносабатлар қўламини ҳам аниқлаш лозим бўлади, зотан, матннинг ташқи алоқалари унинг ажралмас қисмидир ва бу бадий дискурда айниқса кўзга яққол ташланади.

Матндан ташқи муносабатлар кўпинча яширин ёки имплицит маъно туғилишига туртки бўлади. Билвосита ифода йўли билан ҳосил бўлган тагмаънони дискурс адресати англаб олиши учун матн таркибида мавжуд бўлган кўрсаткичлар, ишораларга мурожаат қилиши керак. Шундай кўрсаткичлардан бири – СБлари воситасида шаклланадиган цитата – кўчирма бўлиб, у СБларининг бир матндан иккинчисига кўчиши натижасида ҳосил бўладиган ҳодиса “интерматнлик” тушунчасининг асосида туради: “*Ҳар қандай матн, аслида, интерматндир: бошқа матнлар унда турли сатҳларда таниш ёки нотаниш шаклда мавжуд бўлади; олдинги маданият матнлари ҳамда ҳозирги давр матнлари унинг негизини ташкил қилади. Ҳар қандай матн – бу эски цитата (сўз ва ибора)лардан тўқилган янги мато*⁵⁴”.

Коммуникатив майдонда ҳаракат қилувчи когнитив механизмлардан бири ҳисобланадиган цитатали кўчимлар ундан фойдаланиш мақсади ва муаллифнинг коммуникатив мўлжалидаги фарқларга нисбатан икки асосий вазифани бажаради: 1) тарихий-адабий жараён, анъаналарнинг узлуксизлигини таъминлаш. Бу ҳолатда цитата адабий ҳаракат фаоллигини белгиловчи омилга айланади; 2) бадий асарларда (айниқса, назмда) кўчим ҳажв, тақлид вазифасини бажариши мумкин. Цитата – кўчимга мурожаат қилинганида асар мазмунида тагмаъно юзага келади. Бундай тагмаънонинг идроки ҳозирги воқеа-ҳодисаларни ўтган даврда тўпланган тажриба асосида тушунишдир. Тагмаъно асосидаги структура иккита пойдеворга эга, улардан

⁵² Хошимов Ў. Нур борки, соя бор. – Тошкент, 1977. - Б. 94.

⁵³ Крылов И.А. Полное собрание басен. - Олма Медиа Групп / Просвещение, 2015. – 448 с.

⁵⁴ Барт Р. Избранные работы: Семиотика. Поэтика. – Москва: Прогресс. 1994. – С. 462.

бири “асос муҳити” бўлса, иккинчиси “такрор муҳити”дир: ⁵⁵“навбатдаги бобда”, “охирги абзацда”, “келгуси якшанба” “ҳар ҳолда”, “аксинча” каби иборалар матннинг олдинги ёки кейинги қисмларига ишора воситасидир. Шунингдек, кўрсатиш олмошлари “бу”, “ўша”, “у” ҳам матннинг олдинги ва кейинги қисмларига ишора қиладилар: - *Йулак томондан яна ўша йўтал товуши келди*⁵⁶. Олмошларнинг матннинг синтактик шаклланишида аҳамияти салмоқлидир, зотан, улар иштирокида матн компонентлари нафақат синтактик жиҳатдан, балки мазмуний жиҳатдан ҳам ўзаро боғланади, яъни олмошлар матн ва матн парчаларининг ҳосил бўлишида боғловчи вазифасини бажаради. А.Потебня⁵⁷ бу сингари қўлланаётган кишилик олмошлари вазифаларига кўра муҳим аҳамият касб этишини таъкидлайди.

Юқорида эслатилган “асос муҳит” ва “такрор муҳити”нинг ўзаро муносабати замирида ҳосил бўладиган тағмаъно икки хил кўринишга эга: 1) “асос муҳит” етакчилик қилганида “бошқа” (цитата олинаётган) матннинг маъноси кенгайди. Бунда цитата мазмунан яқин контекстдан ўрин олади ва тарихий-адабий жараён узлуксизлигини ифодаловчи воситага айланади; 2) “такрор муҳити” мазмун қийматини белгиловчи ҳодисалар қарама – қаршилигига учрайди ва “асос муҳит”нинг семантик мундарижаси ўзгаради. Дастлабки манбадан ажратиб олинган цитата унга мос келмайдиган контекстга жойлаштирилиши натижасида мазмун ўзгаради ва пародия кўринишини олади. Пародия алоҳида жанр сифатида барча тиллар учун умумий бўлган матн тузилиши қонуниятларига эга. Пародия мазмунини ҳосил қилувчи структуравий ва маъновий трансформациянинг бир тури муболағадир. Ўзбек шоираси З.Очилованинг қаламига мансуб куйидаги шеър Хуршид Давроннинг “Лабимда иситгин киприкларингни” шеърига пародия бўлиши мумкин: *Кипригимни исит лабингда,*

Чечак очсин ҳар бир толаси.

Кўзларимдан кетсин увшиқ,

*Чекинсин-да андуҳ жоласи*⁵⁸.

Маълумки, атоқли отни кичик ҳарфда ёзиш матнга кўтаринкилик, тантанаворлик хусусиятини бериши мумкин. Бундай кўтаринки руҳият Э.По асарларида такрорий аташ усули воситасида амалга оширилади. Эдгар Понинг “*The Raven*” шеърида объект “*black crow*” кўринишида қайта номланган. Шунини айтиш лозимки, такрорий номинация маъноси СБдаги етакчи от семантикасига ҳар доим ҳам асосланавермайди. Бундай ҳолатларда интерматнлик манбасига семантик ахборотдан объектнинг белги-хусусияти сифатида фойдаланилади ва худди шу ахборот такрорий номинация асосий хизматини бажаради. Т.С.Элиотнинг “*Marina*” номли шеъри ҳам

⁵⁵ De Fina A. The Handbook of Narrative Analysis. - Wiley Blackwell, 2015. – P. 17.

⁵⁶ Ҳошимов Ў. Нур борки, соя бор. – Тошкент, 1977. – 240 б.

⁵⁷ Потебня А.А. Мысль и язык. – Москва: Лабиринт, 1999. – Б. 27.

⁵⁸ Очилова З. Мовий ифор. – Тошкент: Зар қалам, 2006. – 42 б.

интерматнлик хусусиятидан холи эмас, у В.Шекспирнинг “Pericles” трагедияси таъсирида битилган:

*Quis hic locus, quae regio, quae mundi plaga?
What seas what shores what grey rocks and what islands
What water lapping the bow
And scent of pine and the woodthrush singing through the fog
What images return
O my daughter*⁵⁹.

Шеърдаги *What seas, what shores, what grey rocks and what islands* СБлари тузилмаси В.Шекспир томонидан эслатилган Сенеканинг “*Hercules Furene*”⁶⁰ трагедиясидан олинган ва тузилиш жиҳатидан бироз ўзгартирилган цитатадир. Интерматнликнинг ҳар бир кўриниши бутун бир матн концептуал майдонидан ўрин олади ва бадий ғоя ифодасида, муаллифнинг коммуникатив мақсади воқеланишига таъсир ўтказади. СБлари янги контекстга кўчирилаётганда, контекстлар тўқнашуви юзага келиб, тағмаъно шаклланади. Янгидан ҳосил бўлган тағмаънони аниқлаш учун яхлит матнга ҳамда контекстлар ҳудудлари кесишувига мурожаат қилишга мажбурмиз. Буларнинг барчаси бориб матн семантик ва эмоционал мундарижасининг ботинлашувига олиб келади. Бадий матнда лисоний бирликлар, шу жумладан, СБларининг кўчимли, интерматн шароитида қўлланишининг таҳлили гувоҳлик беришича, интерматн ҳолатларида юзага келадиган тағмаъно жуфт табиатли ҳодиса ва унинг воқеланишида узатилаётган ахборот заҳирий ва ботиний матнларга тақсимланади. Тағмаънодаги жуфт хусусият матн ичи элементларининг ташқи элементлар билан чексиз ва мураккаб муносабатларга киришувини тақозо этади. Айрим СБлари интерматнлар кенг миқёсда такрорланиши сабабли фразеологик бирликлар даражасигача етиб борадилар: *Pandora’s box, Trojan horse* ва ҳк. Шунингдек, маълум турдаги турғунлашган, матндан матнга кўчиб юрадиган СБлари қатори мавжудки, улар аслида у ёки бу муаллиф томонидан ясалганлар. Масалан, *bag of bones* (илк бор Ч.Диккенснинг “Оливер Твист”⁶¹ романида қўлланилган, маъноси: “ўта озгин одам ёки ҳайвон”), *кетмони учган* (“Абдуллажон” номли ўзбек фильми намойишидан кейин оммалашиб кетган, маъноси: “омадли, пешонаси ярқираган одам”). Кейинги йилларда тилшуносликда лингвопрагматика ва когнитив тилшунослик муаммолари тадқиқига эътибор кучайди. Ҳозирги давр тилшунослиги тил сатҳи бирликларининг контекст, нутқ вазияти, тил эгаларининг ташқи олам ҳақидаги умумий билимлари ва тил кўникмалари каби омиллар билан боғлиқ тарзда юзага чиқувчи бевосита кузатишда берилмаган ички имкониятларини ўрганишга жиддий эътибор қаратмоқда.

⁵⁹ Shakespeare W. Pericles, Prince of Tyre. - University of Southern California, 2014. - 97 p. (1609).

⁶⁰ Seneca. Hercules Furene. – Bloomsbury Academic, 2017. – 168 p.

⁶¹ Dickens Ch. Oliver Twist or the Parish Boy’s Progress. – Moscow: Astrel, 2006. – 516 p.

ХУЛОСА

Лисоний ҳодисаларнинг моҳиятини тилшунослик коммуникатив-функционал ва когнитив назариялари нуқтаи назаридан ўрганиш истиқболли эканлиги сўнгги йиллар давомида ўз тасдиғини топмоқда.

1. Тил ўз комуникатив вазифасини дискурсив қурилма – нутқий тузилма воситасида амалга оширади. Тил тизимига тааллуқли барча – фонетик, лексик, морфологик ҳодисалар ана шу дискурсив қурилишга ҳамда коммуникатив мақсадга эришиш учун хизмат қилади. Сўз бирикмаларини ўрганиш лисоний коммуникация таълимотининг таркибий қисми бўлиб, ундан ажратилган ҳолда қаралиши мумкин эмас.

2. Коммуникатив-функционал йўналишдаги тадқиқотларнинг ривожини лисоний бирликлар, шу жумладан, сўз бирикмасининг ҳам шакл ва мазмун томондан тавсифи уларнинг табиатини тўлиқ изоҳлашга имкон бермаслиги сабабли уларни контекст, нутқ вазияти билан боғлаб ўрганишгина мазмунни тўғри тушунишга имконият яратиб бера олишини исботлайди. СБ онгда акс этган борлиқ элементларининг ўзаро муносабатини ифодалайди. Синтактика ва семантика прагматик таҳлил билан бойитилган тақдирдагина, улар ўзининг ҳақиқий талқинини топади.

3. СБнинг концептуал тўлақонлилиikka эга бўлиши, яъни маъносининг маълум мантиқий структура – мазмунга мос келиши унинг номинатив вазифа бажаришидан гувоҳлик беради. СБ коммуникатив вазифа бажариш меъёри бошқа тил бирликлариникидан фарқ қилади. Агар сўз нутқий тузилмаларнинг олдиндан маълум ва тайёр элементи бўлса, СБнинг мураккаб тузилма эканлиги фақат коммуникация жараёнида аён бўлади, чунки у худди шу жараёнда алоҳида бўлакларнинг ўзаро бирикиши натижасида ҳосил бўлади.

4. СБлари структураси турли тилларда турлича бўлади. Масалан, фузия ҳодисаси таъсирида сўзлар ўзаро флексия орқали муносабатга киришади, аналитик тилларда эса сўзлар кўмакчи ёки артиклар ёрдамида бирикади. СБлари грамматик жиҳатдан мазкур тилга хос қоида-меъёрларга асосан шаклланади. Ундаги сўзлар ўртасидаги алоқа турлича ифодаланади ва шунга кўра СБлар таснифланади. Турли тилларда СБнинг умумий хусусиятлари билан бирга бошқа хусусий жиҳатлари ҳам мавжуд.

5. СБларини шакллантиришнинг когнитив механизми мавҳум мураккаб тафаккур предметлари ёки онгдаги тузилмаларни бевосита кузатиладиган оддий ҳодисалар билан қиёслаш имконини берадиган мантиқий андоза, моделдир. СБлари семантик тузилишининг когнитив таҳлилида фрейм андозаларидан фойдаланиш тавсия қилинади, чунки ушбу андозадан фойдаланиш тил бирликларининг муносабатлари маълум когнитив структуралар асосида юзага келишини исботлаш имконини беради.

6. СБлари тизимида деривация жараёни қолиплаштирилган ҳолда кечади, инглиз тилида энг кўп тарқалган қолиплардан бири N_1+pr+N_2 (От1+предлог+От2) бўлиб, предлог деривацион оператор ролини ўтайдиган СБ

сони чексиздир. Предлогли ёйилиш жараёнининг маҳсули бўлган СБнинг “деривацион тарихи” $N_1+pr+N_2+pr+N_3+....+N_n$ ($O_{T_1}+келишик\ кўшимчаси +O_{T_2}+келишик\ кўшимчаси+O_{T_3} +...+O_T$) моделида ўз аксини топади. Инглиз тилидаги предлоглар ўзбек тилида келишик кўшимчалари (кқ) орқали ифодаланади: а) $MN_1+pr+N_2 \leftrightarrow O_{T_1}+кқ+CO_{T_2}$; б) $N_1+pr+MN_2 \leftrightarrow CO_{T_2}+ кқ+O_{T_1}$; в) $N_1+'s +N_2+pr+MN_3 \leftrightarrow O_{T_1}+ кқ +O_{T_2}+ CO_{T_3}+ кқ$.

7. Дериватологияда тил бирликлари динамик жиҳатдан ўрганилади, яъни таҳлил унинг илк яратилган вақтидан бошланади. Матнни таҳлил қилиш асносида аниқланган фаразлар *деривация моделлари* деб аталади. Матнни таҳлил қилишнинг деривацион усули матн яратиш жараёнини қайта тиклашга йўналтирилган. Дериватологияда тил тизими таҳлилининг бир нечта йўналишлари ўзаро бириктирилган: лингвистик, когнитив ва психологик. Концептнинг имкониятидан амалий фойдаланиш жараёни *концептуал деривация* деб юритилади.

8. СБ мазмун қурилиши инсонлар тафаккур фаолиятининг бир мақсад сари йўналтирилишини акс эттиради. СБлари деривацияси икки мустақил концептнинг ўзаро мослашуви ва бирикувини таъминлайди. Бундай деривация жараёни таянч концептнинг информатив қиймати мазмунининг бойиши ва янги кўриниш олиши учун муҳим вазифани бажаради. Бунда, албатта, концептуал белгиларнинг доимийлиги ёки ўзгарувчанлиги ҳам ҳал қилувчи роль ўйнайди.

9. СБ деривацияси жараёнида “*концептуал метафора ва метонимия*” амалларининг фаоллашуви ушбу жараён кечишининг маълум шароитлари, уни ҳаракатга келтирувчи механизмларнинг ички ва ташқи манбалари билан боғлиқ. Бундай когнитив амалларнинг таъсири нутқий фаолият жараёнида фавқулодда ҳосил бўладиган бирикмалар концептуал структурасининг шаклланишида яққол кўринади. СБлари деривацияси концептуал метадоралаштириш босқичида ўзаро бирикаётган концептлар бошқа бирор бир концепт билан қиёсланади ва уларнинг хусусиятлари бир бирига кўчади.

10. Тил тизими бирлиги бўлган СБнинг моҳияти унинг нутқий фаоллашуви билан боғлиқ. Нутқий фаолият шароитида СБ қисмларининг алоҳида денотатлар билан боғлиқлиги намоён бўлади ва шу йўсинда қисмлар ўртасида мавжуд бўлиб турган муносабатларнинг янги, мураккаб (лекин яхлит) маъно яратилишидаги ўрни равшанлашади. Маъно тузилишининг функционал-деривацион тадқиқи эса тил тизими бирликларининг бевосита нутқий фаолият жараёнида ҳосил бўлишини эътиборга олишни талаб қилади. Структур-семантик тузилишнинг коммуникатив вазифа билан мослашуви натижасида СБ дискурсив ҳодиса мақомини олади.

11. Матн коммуникатив мазмунининг уни шакллантирувчи воситалар структур-семантик хусусиятлари билан боғлиқ жиҳатларини ўрганиш муҳимдир. СБлари ҳам ўзлари қўлланилаётган матн билан функционал-семантик жиҳатдан муносабатга киришади ва шу боис улар “структура – семантика – вазифа” учлиги доирасида таҳлил қилинади. Матн

шаклланишида СБнинг ҳам ўзига хос ўрни бор, айниқса, СБ семантикаси ва матн мазмуний категориялари ўртасидаги муносабат алоҳида эътиборга лойиқдир. Нутқ тизимида СБ лексик, грамматик ва синтактик сатҳига оид турли бирликлар билан узвий ва ажралмас муносабатларга киришиб, матн тузилишини таъминловчи воситалар қаторидан ўрин олади.

12. СБнинг коммуникатив вазифаси тўлиғича дискурда, матн доирасида намоён бўлишига ҳеч қандай гумон йўқ. СБ бажарадиган ахборот ташиш вазифаси ҳам маълум контекстда юзага келади, алоҳида олинган бирикма информатив, гоҳо – кечаётган воқеа-ҳодисанинг айрим қисмларига оид бўлиб қолиши мумкин, информативлик СБнинг асосий белгиси ва бажарадиган вазифаларидан биридир.

13. Интерматнликнинг ҳар бир кўриниши бутун бир матн концептуал майдонидан ўрин олади ва бадий ғоя ифодасида, муаллифнинг коммуникатив мақсади воқеланишига таъсир ўтказади. СБлари янги контекстга кўчирилаётганда, контекстлар тўқнашуви юзага келиб, тағмаъно шаклланади, интерматнлик ҳолатлар бадий асарлар ўртасида мазмуний-ассоциатив алоқалар натижасидир. Интерматнлик ҳодисасининг чоғиштирилаётган ҳар иккала, инглиз ва ўзбек тилларига ҳам хос хусусият эканлиги аниқланди.

**SCIENTIFIC COUNCIL DSc.03/04.06.2021.Fil.72.03 AWARDED
SCIENTIFIC DEGREES AT BUKHARA STATE UNIVERSITY**

SAMARKAND STATE INSTITUTE OF FOREIGN LANGUAGES

DANIEVA MAYSARA DJAMALOVNA

**VERBALIZATION OF DERIVATIONAL AND PRAGMATIC-DISCURSIVE
POSSIBILITIES OF PHRASES (ON THE EXAMPLES OF ENGLISH AND
UZBEK LANGUAGES)**

**10.00.06 – Comparative literary criticism, Comparative linguistics
and Translation studies**

**DISSERTATION ABSTRACT
for a Doctor of Sciences (DSc) scientific degree in PHILOLOGY**

The theme of the dissertation for a Doctor of Sciences (DSc) was registered by the Supreme Commission of the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan under number B2022/1/DSc/Fil382.

The doctoral dissertation has been prepared at Bukhara State University.

The abstract of the dissertation is posted in three languages (Uzbek, Russian, English (resume)) is placed on the website of Scientific Council (www.buxdu.uz) and on the website of "Ziyonet" information and educational portal (www.ziyonet.uz).

Scientific advisor: Safarov Shakhriyor Safarovich
Doctor of Philological Sciences, Professor

Official opponents: Sadullayeva Nilufar Azimovna
Doctor of Philological Sciences, Professor

Ergasheva Guli Ismoil kizi
Doctor of Philological Sciences, Professor

Jurayeva Malokhat Mukhammadovna
Doctor of Philological Sciences, Professor

Leading organization: Urgench State university

The dissertation defense will be held on "08 November 2022 at 10⁰⁰" at the meeting of the Scientific Council awarding scientific degrees DSc.03/04.06.2021.Fil.72.03 at Bukhara State University (Address: 200118, Bukhara, M.Iqbol street, 11. Phone: (0365) 221-29-14; Fax: (0365) 221-27-57; e-mail: buxdu_rektor@buxdu.uz).

The dissertation is available at the Information-resource center of Bukhara State University, (registration number 192). Address: 200118, Bukhara, M.Iqbol street, 11. Phone: (0365) 221-25-87

The dissertation abstract is distributed on "27 October 2022.

(Mailing report № 22-21 on "27 October 2022).



D.S.Uraeva
Chairman of the Scientific Council awarding scientific degrees, Doctor of Sciences in Philology, Professor

Z.I.Rasulov
Scientific Secretary of the Scientific Council awarding scientific degrees, Doctor of Philosophy in Philology, Associate Professor

M.M.Juraeva
Chairman of the Scientific Seminar under Scientific Council awarding scientific degrees, Doctor of Sciences in Philology, Professor

INTRODUCTION (Dissertation abstract for a Doctor of Science (DSc))

Topicality and necessity of the research theme. In the current period of development of world linguistics, the formation and cognitive-pragmatic expression of structures related to the levels of the language system has been attracting the attention of researchers. In particular, the nature of the word combination, its linguistic status, derivational-cognitive, pragmatic-discursive features and their functions activated within a specific text communication environment, in connection with the possibilities of expressing a certain meaning and conveying information are determined by the importance of comparative study in the system of English and Uzbek languages. The study of the pragmatic-discursive realization of syntactic relations, which play an important role in the formation of speech structures in every language, on the basis of a cognitive approach, serves as a theoretical basis for the scientific evaluation of the differences in the syntactic realization of derivational meanings interpreted within the limits of text and narrative characteristic of all languages, and the cases of semantic activity.

In recent years, scientific schools of the world have been conducting research on the structural-semantic, communicative-pragmatic properties of phrases, which are manifested in discourse conditions, conceptual-cognitive picture of their structure, semantic and syntactic forms of derivation, and cognitive-pragmatic categories within the framework of one language. Comparative study of the categorical features and status of these linguistic units in English and Uzbek languages, identification of similarities and differences between their functions in the text structure, communicative-pragmatic features of phrases manifested in discourse conditions by comparing the examples of two distant languages, English and Uzbek, enables learning and scientific reasoning.

While independence creates all the necessary conditions for the development of national linguistics based on the world's advanced standards, but also imposes the responsibility of reacting to these standards based on our centuries-old national worldview. The results of this dissertation are the implementation of advanced standards of higher education based on international experiences, including practical skills from education aimed at acquiring theoretical knowledge in curricula, as defined in the Decree of the President of the Republic of Uzbekistan Sh.M. Mirziyoev "On approval of the Concept of development of the higher education system of the Republic of Uzbekistan until 2030", the comparative studies on perceptual-cognitive model, pragmatic-discursive mechanism and models can serve as an important source in ensuring the implementation of the task of "step by step transition to a formation-oriented educational system"¹.

This dissertation research serves to a certain extent the implementation of the tasks defined in the Presidential Decree PD-5847 of the President of the Republic of Uzbekistan dated October 8, 2019 "On approval of the Concept of development of the higher education system of the Republic of Uzbekistan until 2030",

¹ Decree of the President of the Republic of Uzbekistan "On approval of the Concept of development of the higher education system of the Republic of Uzbekistan until 2030" // No. PD-5847, 8.10.2019. URL: [lex.uz / docs / 4545884](http://lex.uz/docs/4545884)

Presidential Decree PD-5850 dated October 21, 2019 "On measures to fundamentally increase the prestige and position of the Uzbek language as a state language", Presidential Decree PD-6097 dated October 29, 2020 "On approval of the concept of development of science until 2030", Presidential Decree PD-6084 dated October 20, 2020 "On measures to further develop the Uzbek language and improve the language policy in our country"², Presidential Resolution of the President of the Republic of Uzbekistan PR-5117 dated May 19, 2021 "On measures to bring the promotion of foreign language learning in the Republic of Uzbekistan to a qualitatively new level", Resolution No. 610 dated August 11, 2017 "On measures to further improve the quality of teaching foreign languages in educational institutions" under the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan and other regulatory legal documents related to this field.

Conformity of the research to the priorities of the development of science and technology of the Republic. The dissertation was completed in accordance with the priority direction of the development of science and technology of the Republic I. "Formation of a system of innovative ideas and ways to implement them in the social, legal, economic, cultural, spiritual and educational development of the information society and the democratic state."

Review of foreign scientific research on the topic of dissertation³. Phrase theory in linguistics, research aimed at studying its linguistic status is carried out by the world's leading scientific research centers and higher education institutions, including Oxford University Language Center (UK), California State University (USA), Vrije Universiteit Amsterdam (Netherlands), Stroudsburg Association of Computational Linguistics (France), Shanghai Foreign Languages University (China), New Bulgarian University (Bulgaria), Dublin City University (Ireland), University of Toronto (Canada), Moscow State University, Moscow State Linguistic University, St. Petersburg State University (Russia), as well as at the National University of Uzbekistan named after Mirzo Ulugbek, Tashkent State University of Uzbek Language and Literature named after Alisher Navoi, Samarkand State Institute of Foreign Languages, Bukhara State University (Uzbekistan).

In world linguistics, research based on the investigation of the structural-semantic features of phrases has been the basis for a number of scientific results. Currently on the study of phrases such websites and e-journals as "Text Production. Science of Composition", "Pragmatics// Discourse", "Phrase Structure", "Discourse and Process" are operating. The conceptual-cognitive picture of phrase structure is analyzed (Lancaster University, University of Edinburgh); the communicative-pragmatic features of phrases expressed in discourse are studied (University of Copenhagen); semantic and syntactic manifestations of phrase derivation are identified (Barcelona University);

² Decree of the President of the Republic of Uzbekistan "On measures to radically increase the prestige and status of the Uzbek language as the state language" // PD-5850, 21.10.2019. URL: <https://lex.uz/docs/4561730>

³ Review of foreign scientific research on the topic of the dissertation is carried out by the <https://www.disercat.com>, www.cheloveknauka.com, <https://studfile.net>, www.ilingran.ru/scholars/rumy, <http://dereksiz.org/leksiko-seman>, www.dslib.net, <https://ru.m.wikipedia.org/wiki>, <https://cyberleninka.ru>, <http://philology.snauka.ru>, www.google.scholar.com, <https://www.academia.edu>, www.philology.ru, <https://periodicos.sbu.unicamp.br>, http://m.dissforall.com/_catalog/t13/s and other sources.

researches have been conducted on determining the participation of phrases in the activation of cognitive-pragmatic categories (A Central University of New Delhi).

Today, special attention is paid to the analysis of issues such as the structural-semantic features of the phrase, the study of the process of conceptual adaptation based on them, the role of the phrase in the formation of the communicative-informational space of the text, and the determination of their place in the formation of the communicative-pragmatic content of the text from the point of view of cross-linguistics.

The degree of the study of the problem. When speaking about research works in the field of phrase theory, it is important to mention the names of such German and English linguists as O.Jespersen, O.Behagal, H.Sweet, as well as Russian linguists F.F.Fortunatov, A.A.Shakhmatov, A.M.Peshkovskiy⁴. Linguists have focused on the formation of a free compound or idiom of the lexical units to be joined, to determine the syntactic relations that occur between the components of a phrase. Scientists on Germanistics scholar such as B.A.Ilish, A.I.Smirnitskiy, V.N.Yartseva, L.S.Barkhudarov, A.V.Arakin, N.I.Filicheva, V.V.Burlakova, G.P.Yatel, Ch.Hockett, P.Roberts, R.Jacobs, and R.Quirk were interested in the relationship of a phrase to the sentence structure, distinguishing it from predicative structures⁵. O.S.Akhmanova and her students tried to determine the sociolinguistic nature of phrases, to highlight the cases of their activation in different speech styles. In the scientific works of linguists such as Ch.Meyer, G.P.Delahunti, L.Varga, T.Milewski, B.Richter, I.I.Tokareva, A.G.Sadykova, E.V.Orlova, E.S.Peshekhonova, A.V.Kirtayeva, R.M.Galyautdinova, H.P.Makhmadaliyeva, L.I.Khasina, O.E.Afonenkova, E.M.Yefremova, L.A.Ulitina, L.M.Semyonova, A.V.Lazarev⁶ the phrases being specific to the English language system were

⁴ Фортунатов Ф.Ф. Избранные труды. Том 1, 2. – Москва: Государ. учебно-педагогическое издательство, 1957. – 924 с.; Шахматов А.А. Лингвистическое наследие XIX века. – Ленинград: ЛЕНАНД, 2016. – 230 с.; Behagal O. Die Deutsche Sprache. –Halle, 1954. –228 p.; Sweet H. New English Grammar. Logical and Historical. – Oxford: Clarendon Press, 2007. – 510 p.

